

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

А.С. Солиев, М.Р. Усмонов

ТУРИЗМ ГЕОГРАФИЯСИ

(Самарқанд вилояти мисолида)

САМАРҚАНД - 2005

Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси (Самарқанд вилояти мисолида) -Самарқанд: СамДУ, 2005. - 131 б.

Ушбу монография туризм географияси масалаларига бағишланган бўлиб, унда туризм ижтимоий ва иқтисодий географиянинг таркибий қисмларидан бири сифатида таъриф этилиб, ушбу янги илмий йўналишнинг предмети, назарий ва илмий-услубий асослари берилган. Шунингдек, туризмнинг географик хусусиятлари ва унинг таснифи, халқаро туризм географияси, унинг тарихи ва ривожланиши, Ўзбекистон миллий иқтисодиётида халқаро ва маҳаллий туризмнинг роли каби муҳим масалалар чуқур таҳлил этилган. Ўзбекистоннинг йирик туристик марказларидан бўлган Самарқанд шаҳри ва вилоятда туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асослари, муаммо ва истиқболи иқтисодий ва ижтимоий географик нуқтаи назардан баҳоланган ҳамда илмий-амалий хулосалар берилган.

Мазкур монография географ ва минтақавий иқтисодчилар, аспирант ва илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган. Унда 5 та чизма, 3 та карта-схема, 11 та жадваллар мавжуд.

Маъсул	г.ф.н., доц. С.Б.
муҳаррир:	Аббосов
Такризчилар:	и.ф.д., проф. .С. Саидов
	г.ф.н., доц. И. Усмонов
	г.ф.н., доц. М.А.
	Қодиров

© Алишер

1-БОБ. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризмнинг роли

Туризм республикаимиз иқтисодиётида кдшлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва бошқа макроиқтисодий тармоқдар қатори ўзининг муносиб ўрнига эга. Бирок, қозирги пайтда туризм имкониятларидан Ўзбекистон Республикасида самарали фойдаланилмаётганлиги туфайли бу соҳадаги ишларнинг аҳволи халқ хўжалигининг асосий тармоқдари кўрсаткичларидан анча орқададир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг географик ўрни туризмни ривожлантириш бўйича Марказий Осиё давлатлари ичида энг қулай имкониятларга эгадир. Бу ҳақида республикаимиз Президенти И.А.Каримов «Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларини йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жихатидан қисман қулай жўғрофий-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган «Буюк Ипак йўли» Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар қамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда \ам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишган» - деб айтган эди¹.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз жаҳон цивилизация ўчоқларидан бири сифатида маълум ва машхур. Бизнинг маданиятимиз дунё халқдари санъати, архитектура, шаҳарсозлик ва илм фанига улкан қисса қўшди. Лекин ўлкаимиз узоқ йиллар давомида жангу-жадаллар натижасида вайроналарга айлантилди. Бирок, шундай бўлсада Ўзбекистоннинг қулай географик ўрни унинг янада тараққий этиши учун муҳим аҳамият касб этди. Тарихдан маълумки, минтақанинг

ривожланишида туризмнинг ҳиссаси ниҳоятда салмоқди бўлган. Чунки, у «Буюк Ипак йўли» тугунида жойлашган бўлиб, вавдо-сотик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий

¹ Каримов И А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсамсида, чавфсизликка т<1*дид,.барқарорлик шартларн ва таракклёт кафолатлари -Т..1997.

алоқалардан тушган даромадлар мамлакат хазинасига катта улуш қўшганлиги шубҳасиздир. Демак, минтақанинг географик ўрни унинг иқтисодий юксалишида муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, минтақамиздан етишиб чиққан Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Мотурудий, Ал-Фарғоний, Хўжа Ахрор Вали, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби буюк сиймоларнинг миллий, маънавий ва маданий меъроси бизнинг улкан бойлигимиз бўлиб, улар қолдирган кўплаб тарихий обидалар дунё сайёҳларида катта қизиқиш уйғотади. Жумладан, Ўзбекистон ўзининг тарихий обида ва ёдгорликларга бой бўлган шаҳарлари ҳамда ўзига хос табиати билан ҳамиша жаҳон сайёҳларини ўзига жалб қилиб келган. Бироқ, собиқ иттифок даврида туристик алоқаларнинг марказ томонидан бошқарилиши сабабли республикамизнинг мустақил равишда туризмни ривожлантириш имкониятлари чекланган эди.

Ўзбекистон туризмнинг ўтмишига назар ташласак, у бевосита узоқ тарихга бориб тақалса-да, аммо тармоқ сифатида яқин даврда пайдо бўлган. Ҳозирги республикамиз ҳудудларида дастлабки экскурсия саёҳати бюроси 1936 йилда очилди ва Ўзбекистон касаба уюшмаси қошида «Саёҳат-экскурсия бошқармаси» сифатида ташкил этилди. Бу ташкилот фақат яқин ва узоқларга уюштириладиган сафарлар билан шуғулланар эди холос. 1962 йилдан бошлаб республиканинг вилоят ва ўлкалари қошида ҳам саёҳат бюрolari ташкил этилди. 1982 йилга келиб вилоятлар ва Қарақалпоғистонда жами 13 та «Саёҳат ва экскурсия совети», 29 та «Экскурсия ва сафарларга чиқарувчилар бюроси», 5 та саёҳатчилар меҳмонхонаси, 12 та туристик база ва кемпинглар барпо этилди (Қурбонниёзов, Саъдуллаев, Абиркулов, 1999).

Ушбу саёҳатларнинг аксарияти иттифокдош республикаларга марказ томонидан тасдиқланган дастур асосида амалга оширилган. Бу даврларда республикада саёҳатлар кўпроқ

спорт, ўлкашунослик, алпинизм, соғлиқни тиклаш ҳамда бошқа иттифокдош республикалар билан танишиш мақсадларида олиб борилган. Шўролар ҳукмронлигининг инқироzi натижасида бу алоқалар ўз-ўзидан йўқолиб кетди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки йиллардан бошлаб иқтисодиётнинг барча

тармокларида туб ислохатлар ва ўзгаришлар даври бошланди. Республиканинг суверен давлат мақомида дунё мамлакатлари томонидан тан олинishi, 120 дан ортиқ давлатлар билан расмий дипломатик муносабатларнинг ўрнатилганлиги, шунингдек, Тошкентда кўплаб давлатлар элчихоналарининг очилиши қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигани мустаҳкамлаш ва иқтисодиётини ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Бу ўринда туризм соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йил 2 июнда чиқарган «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасини иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш» йўлисидаги Фармони мамлакатимизда туризмни

ривожлантиришда дастлабки қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, туркийтилли давлатлар бошликларининг 1996 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида ўтқизилган IV учрашувида Президентимиз «Буюк Ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркийтилли давлатларнинг маданий меъросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, мақсадли сайёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш йўлисида таклифларни олдинга сурди. Бундан ташқари, 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури» йўлисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори туризмнинг келажак истиқболини белгалашда катта аҳамият касб этди. Юқоридаги

Қарор ва Фармонлар асосида қисқа вақт ичида

республикамизнинг кўпгина минтақаларидаги тарихий, диний обидалар, буюк сиймолар қабрлари, даҳмалари, масжиду мадрасаларини қайтадан тиклаш ва таъмирлаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Бу бевосита туристик

объектларнинг кўпайишига ва яхшиланишига олиб келди.

Маълумки, БМТнинг 1972 йилда қабул қилган конвенциясида халқларнинг нодир маданий ёдгорликларини лвайлаб асрашга келишилган. Ҳозирги кунга келиб дунё бўйича 500 дан ортиқ маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган бўлиб. улар ўзига хос такрорланмас тарихий-маданий ансамбллар,

архитектура ёдгорликлари, табиий кўриқхоналар ва бошқа туристик аҳамиятга молик объектларни қамраб олган (Окладникова, 2002). Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг туристик объектлари салоҳияти бўйича жаҳонда катта мавқега эга.

Республикамизда ҳозирги пайтда 4000 дан ортиқ тарихий обидалар, монументал-архитектурага хос бўлган манзиллар мавжуд. Булар, Будда динига мансуб топилмалар, Искандар Зулқайнарн юришлари, араблар истилочилиги, мўғиллар босқини ҳамда Амир Темур ва темурийлар империяси ва бошқа даврлардан далолат берувчи сайёҳлик объектларини ташкил этади. Аммо улардан бор йўғи 500 таси туристларни қабул қила олади, холос. Шундан фақатгина 200 га яқини халқаро талабларга жавоб бера олади (Ҳошимов, 1998). Шунингдек, Ўзбекистонда дунё тарихий ёдгорликлари қаторига кирган 21 та тарихий жойлар аниқланган. Бундан ташқари, минтақамизда табиий иклим хусусиятлари билан боғлиқ кишилар саломатлиги учун 90 дан ортиқ энг қулай даволаш масканлари бор. Улар асосан тоғ ва тоғолди минтақаларида жойлашган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзидаги мавжуд туристик объектлар (маданий, тарихий, архитектура, археологик обидалар, зиёратгохлар, қадамжолар, дам олиш, соғломлаштириш ва ҳ.к) салоҳияти жиҳатидан нафақат Ўрта Осиёда, колаверса дунёда ўзига хос мавқега эгадир.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилда ҳадисшунослик ва исломий билимларнинг дунё миқёсида ривожланишига катта ҳисса қўшган Имом Ал-Бухорий, Ал Фарғоний, Марғилоний, Ат-Термизий, Мотрудий каби улуғ зотларнинг қадамжолари ва қабрларини қайтадан тиклаш ишлари республикада маҳаллий ва халқаро сайёҳликни ривожлантиришда катта аҳамиятга молик бўлди.

Туризм фаолиятини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлидаги фармони билан саёҳат соҳасида республикада ягона сиёсатни амалга оширувчи махсус давлат органи -

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди. Бу компания қошида вилоят ва минтақа филиаллари очилди. 1993 йил Бали (Индонезия) шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон туристик ташкилотини (БТТ) 10 сессиясида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ушбу нуфузли ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо бўлди (Тўхлиев, 1996).

1995 йил Бутунжаҳон туристик ташкилотининг Қоҳирада ўтказилган навбатдаги 11-сессиясида Ўзбекистон «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш комитети»га аъзо бўлди ва Истамбулдаги 12-сессиясида эса Марказий Осиё минтақасидаги «Буюк Ипак йўли» дастурида мамлакатимизнинг ўрни аҳолида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги қароргоҳи, маданият вазирлиги ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Мерос» дастури асосида «Буюк Ипак йўли»да жойлашган тарихий, архитектура, археологик ва бошқа ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва илмий ўрганиш бўйича амалий ишлар қилиниши бевосита республикада туризм ривожланиши учун катта туртки бўлди.

Бундан ташқари БТТ нинг Самарқанд (1994) ва Хивада (1999) қабул қилинган декларацияларида Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. 1993 йилда тасдиқланган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария, соғломлаштириш, иқтисодий нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш бебаҳо табиий объектларнинг муҳофаза этишнинг умумий ва ташкилий асосларини белгилаб берди.

1994 йил Тошкентда «Буюк Ипак йўлида туризм» мавзусида ўтказилган халқаро ярмарка Ўзбекистонда туризм тараққиёти ва унинг бой анъаналарини тарғиб қилиш борасида муҳим воқеага айланди. Бу анъана давом эттирилиб, 2000 йили республикада ўтказилган ярмакада 35 мамлакатдан келган 200 та сайёҳдик фирмалари иштирок этди (Аҳмедов, 2002). Айтиш керакки, республикада қисқа давр мобайнида туризмга эътиборнинг кучайиши ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий асосларининг яратилиши мазкур тармоқни ривожлантиришни ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда

Мутахассис, олим ва тадқиқотчилар таҳлили шундан далолат

берадики', дунё миқёсида 1998 йилда сайёхлар сони 625 млн. кишини ташкил этган бўлиб. ўртача йиллик ўсиши

¹ Ушбу кўрсаткич 1950 йилда 25,3, 1960 йилда 71,2, 1965 да -113,9 ва 1970 йилда 169,0 млн кмшига тенг бўлган (Мироненко,Твердохлебов, 1981, 6.29).

14,8 фоизни, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида эса 8,8 фоиз кўрсаткичга эга бўлган (Назарова, Комилова, 2000).

Республикада туризм соҳаси макроиқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатидаги мавқеининг ўсиб бориши, мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўзининг салмоқли улушини кўшиши шубҳасиздир. Бугунги кунда мамлакатимизда туристик фаолият билан 350 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар шуғулланмоқда. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 1993-2002 йилларгача бўлган давр мобайнида жами туристик маршрутлар 3 мартага, чет эллик сайёҳлар салмоғи 6 фоизга, шунингдек, маҳаллий сайёҳлик 1,4 фоизга кўпайгай.

1- жадвал Ўзбекистонда туризмнинг ўсиш динамикаси (1993-2000

йиллар)

Кўрсаткичлар

1993

1994

1995

1996

1997

1998

1999

2000

598

923

920

2720

Ўзбекистонга

Ҳамдустлик ва чет

2529

2780

мамлакатлардан

келган жами

сайёҳлар ,

(минг киши)

1993 йилга нисбатан

туристик

маршрутлар

1889

107

1014

динамикасининг

ўсиши

(ўтган йилга нисбатан %
ҳисобида)

Жадвал «Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотлари асосида тузилди.

Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотига кўра, Ўзбекистон ХХІ аср бошларига келиб Марказий Осиёнинг етакчи туристик минтақасига айланиши ва бу ерда туристик маршрутларнинг 15 фоизга ошиши тахмин қилинмоқда. Республикада туризм динамикасига назар соладиган бўлсак, у йил сайин ўсиб бориши кузатилади. Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эллардан келган сайёҳлар оқимининг кўпайиб бориши минтақанинг халқаро туризм имкониятларининг юқорилигидан далолат беради. Масалан, республика бўйича 1993 йил жами 92,3 минг сайёҳларни қабул қилган бўлса, 1999 йилга келиб у 274 минг кишини ташкил этган. Демак, мамлакатимизда сайёҳлик йилдан-йилга ўсиб

бормокда. Бирок, республикада туризмни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, туристик инфратузилмани шакллантириш лозим. Бунинг учун жаҳон андозаларига ва тажрибасига таянган ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда туризмнинг ўсиб бориши ва барқарор ривожланишида бевосита ҳудуднинг пввало тинч иқтисодий-ижтимоий ҳолати муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан республикада халқаро ва маҳаллий сайёҳликнинг ривожланиши унинг тинч, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан юксалтириш билан боғлиқдир.

Маълумки, сайёҳликнинг ўсишида транспортнинг ўрни Пекиёсдир. Жаҳон туризмнинг глобаллашуви жараёни ўз павбатида ҳаво транспортининг умумлашувига олпб келди. Жумладан, йирик авиокомпаниялар бирлашиб, «Уануолрд» ва «Стар альянс» альянсларни ташкил этди. Ушбу альянслар ҳар иилига 180 млн. дан ортиқ сайёҳларга хизмат қилмокда (Александрова, 2002).

Ўзбекистон ҳаво транспорти ҳам тез ривожланиб бормокда. Ҳозирги кунда 65 та авиалиниялар Туркия, Бирлашган Араб Амирлигп, Саудия Арабистони, Хитой, Индонезия, Ғарбий Европа мамлакатлари қамда АҚШ га очилган бўлиб, улардан ватанимиз фуқоролари, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ва хорижий сайёҳлар ҳам кен1 фойдаланмокда. Айниқса, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий .пшакомпанияси хизматпари минтақада туризмни ривожлан-триш имкониятларини кенгайтирди. Мавжуд маълумотларга биноан, 2001 йил Ўзбекистон ҳаво йўллари самолётлари 1млн. 600 минг кишига хизмат кўрсатган. Бу кўрсаткични кейинги инлларда янада ошириш кўзда тутилмокда.

Кейингп йилларда Ўзбекистонда кўплаб халқаро л\амиятга молик илмий, амалий ва маданий тадбирларнинг у I казилиши туризмнинг минтақада юксалишида замин яратмокда. Сайёҳлар

оқимининг ошиши ўз навба+йда м.ш.лакатга иқтисодий фойда келтиради.
Қуйидаги жадвал мълумотларидан сайёқлик соҳасидан тушган даромад ва
хлражатларни аниқ билиш мумкин.

2-жадвал Ўзбекистон туризмидаги иқтисодий кўрсаткичлари
(1994-2000 йиллар)

Иллар	Хизмат		Дўнй		Хараж	
	М	Ав			М	
	лн. сўм	валги	лн.с		лн.сўм	
1	2	100			1	
1	8	366			5	
1	1	218			1	
1	3	205			3	
1	4	128			4	
1	4	106			4	
2	6	129			6	

Жадвал «Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотлари асосида тузилди.

Дарҳақиқат, 1994 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мобайнида туризм соҳасидан келаётган даромад, хизмат ҳақми ва харажатлар ўсган. Айни пайтда туризмнинг макроиқтисодиётдаги умумий улуши бир фоизга яқин эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур тармоқни юксалтириш орқали келажакда уни 15-20 фоизга етказиш имкониятлари мавжуд.

Маълумки, чет эллик ҳамда маҳаллий сайёҳларнинг республиканинг тарихий шаҳарларига қизиқиши юқори бўлиб, айниқса Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Урганч, Тошкент-Самарқанд-Шахрисабз-Бухоро—Ургенч-Тошкент йўналишларига бўлган талаби каттадир. Туризм соҳасида республиканинг бошқа вилоятларидан ажралиб турган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари энг юқори кўрсаткичга эга.

Ўзбекистоннинг энг муҳим тарихий ва туристик шаҳарлари дунёнинг қадимги маданият, маънавият ва цивилизация марказлари сифатида жаҳон сайёҳларини ўзига жалб қилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда туристик маршрутларнинг кўплаб йўналишлари мавжуд бўлиб, уларга сайёҳларни қизиқтириш минтақаларда туризм

инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этади. Бизнингча, республика вилоятларининг барчасида ўзига хос туристик имкониятлари

мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш, минтақалардаги мавжуд туристик объектларни (тарихий, маданий, археологик, архитектура, табиий рекреация ресурслар ва ҳ.к) чуқур географик жиҳатдан баҳолаш ва аник. туристик маршрутларни

белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу маршрутларнинг қизиқарли бўлиши учун оддийгина кўринган туристик ресурсларни кўздан қочирмаслик мақсадга мувофиқдир (Рахматуллаев, 1996). Ҳақиқатдан ҳам республикаимиз ҳудудидаги вилоят, туман ва қишлоқлардаги кўплаб мавжуд туристик объектлар бизнингча, эътиборимиздан четда қолмоқда. Ваҳоланки, бундай кичик-кичик туристик қадамжойлардан йирик туристик мажмуалар вужудга келтириш мумкин.

#Туризмга сарф қилинган маблағ бошқа турдаги барча сарф харажатларга қараганда тез ўз ўрнини тўлдиради (Аҳмедов, 2002). Бинобарин, Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида шакллантириш учун ҳозирги кундаги қилинадиган харажатларнинг келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиздир. Албатта, Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг қанча вақт туриши ёки давомийлиги ҳам катта мазмунга эга. Шунинг учун туристик инфраструктурани шакллантириш ва туристик маршрутларни кенгайтириш, туристик хизматларни яхшилаш каби муаммолар ҳал этилиши керак. Жаҳондаги туризм ривожланган давлатларда бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда, туристик фаолиятни юксалтиришга катта маблағлар сарфламоқда. Масалан, 1999 йил Франция 72 млн., Испания 78 млн., Америка Қўшма Штатлари 15 млн., Ирландия 37 млн., Туркия 20 млн., Ҳиндистон 18 млн., Хитой 5 млн АҚШ доллари миқдорида харажат қилинган. Бу маблағлар асосий қисми маркетинг хизматида кетган (Аъзамов, 1997). Аммо, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мазкур кўрсаткич ниҳоятда паст даражада. Бизнингча, республика миқёсида туризмни ривожлантириш учун пул маблағларнинг маълум бир қисми илмий йўналишларга ажратиш лозим, жумладан, энг кўп саёҳат қиладиган давлатлар сайёҳдарининг қизиқишини ўрганиш ва реклама хизматини яхши йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Маълумотларга кўра, жаҳон бўйича энг кўп саёҳат қиладиган

аҳоли Германия (75 млн.), АҚШ (52 млн.) ва Англия (45 млн.) каби давлатлар бўлиб, ушбу давлатлар сайёхлари оқири Ўзбекистонга қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Япония, Корея, Хитой ва бошқа шу сингари мамлакатлардаги Будда динининг келиб чиқиши бевосита юртимиз ҳудудларида (Қадимий Термиз, Афросиёб

каби шаҳар ҳаробалари) пайдо бўлганлигини назарда тутадиган бўлсак, бу давлатлардан минглаб сайёҳларни юртимизга келиши табиийдир.

Шунингдек, Ислон ва Араб давлатлари сайёҳларини ҳам кўпроқ жалб қилиш керак. Бунинг учун юқоридаги номлари тилга олинган давлатларда Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини намоён қилиш, рекламага катта эътибор қаратиш, минтақаларда туризм инфратузилмасини ва туризм бозорини ривожлантириш лозим. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, республикаимизга хорижий, жумладан, Япония, Франция, Германия ва АҚШ каби давлатлардан сайёҳлар оқими ошмоқда. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

3-жадвал Ўзбекистонга келадиган хорижий сайёҳлар (киши ҳисобида)

	Мам	1997	1998	2000
	Япон	1520	16570	19400
	Фра	1871	13869	17500
	Герм	681	12731	16800
	АҚ	344	4782	8600
	Итап	317	2712	7060
	Голл	218	1107	5000
	Англ	333	1290	7900

Ушбу жадвалда кўрсатишича, Япония АҚШ, Италиядан келган сайёҳлар оқими ўтган йилларга нисбатан тез ўсган. Дарҳақиқат, ҳозирга бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш зарурлигини исботлаб бермоқда. Бунинг учун дунё бозорига чиққанда талабни қондириш учун кўрсатиладиган хизмат турлари ва уларнинг баҳосини аниқдаш лозим (Тошмуродов, 1998). Агар бизда 100 га яқин хизмат турлари бўлса, хорижий давлатларда уларнинг сони 400 дан ортиқни ташкил этади. Демак, республикада хизмат турларини кенгайтириш катта амалий аҳамиятга эга.

Гааг (Индонезия, 1989 й) декларациясида жаҳон туризмнинг халқаро экспортдаги ҳиссаси 6 фоизни, савдо хизматининг 25-30 фоизини ташкил этганлигини қайд этди. Башорат қилинишича, халқаро туризмнинг йиллик ўсиши 4 фоизга ўсмоқда. 2005 йилга келиб у жаҳон

экспортда асосий тармоққа айланади (нефть ва нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик билан биргаликда).

1998 йилда халқаро туризмда меҳнатга ярокли аҳолининг 10 фоизи, яъни 208 млн. киши туризмга алоқадор хизмат билан банд бўлган бўлса, БТТ нинг башоратига кўра, 2010 пилга келиб ушбу кўрсаткич 360 млн. кишига ошиши кутилади. Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда туризмнинг халқ ҳўжалигидаги ҳиссасини 25 фоизга етказиш имкониятлари мавжуд экан. Туризм соҳасида билимдон хорижий мутахассислар ҳисоб китобига қараганда, мамлакатимизда туризмдан келадиган даромад 1,3 млрд. АҚШ долларни ташкил этиши керак (Аҳмдодов, 2002). Шу боис, минтақа туризмини макроиктисодиётнинг энг муҳим бўғини сифатида қараш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Туризмнинг географик хусусиятлари ва унинг таснифи

Аҳолининг ўзи яшаб турган минтақа, ҳудуд, ўлка ёки Пирор мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини кўриш мақсадида уюштирилган рекреацион* фаолият турига **сайёҳат, яъни туризм дейилади.** «Туризм» термини французчадан

О[инган бўлиб, «**туризм**» - **айлана, айланма ҳаракат ва «сайёҳат-гаёҳат»** деган маънони англатади. 1963 йилда БМТнинг Чалқаро туризмга оид Рим конференциясига мувофиқ бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга сафарга бориб, камида 24 гоат ичида ўша ерда туриб, сайёҳдик хизматидан фойдаланган кпшига «сайёҳ» дейилади. (Мироненко, Твердохлебов, 1981, Г). 11).Шунингдек, БТТ ва БМТ статистика комиссиясининг 1991 йил Канада пойтахти Оттава шаҳрида бўлиб ўтган ■ Халқаро туризм ва статистика» мавзуидаги конференциясида |урист - бу ўзи яшаб турган жойдан 12 ойдан ортиқ бўлмаган н.1к.т давомида иш билан банд бўлмасдан тарихий ва бошқа |уристтик объектлар хизматидан фойдаланган кишига айтилари, юб келишилди (Александрова, 2002). Демак, сайёҳ ёки турист к-б аталадиган киши тўғридан-тўғри меҳнат билан банд

Олмасдан туристик хизматдан фойдаланиши лозим. Айни
ишда сайёҳ ўз мамлакатада маҳаллий сайёҳ,, ундан ташқарида
м-1 чет эллик яъни халқаро сайёҳга айланади. Бинобарин,
турист бу-сайёҳ,, туризм эса - сайёҳликдир. В.В.Добкович

11 (52) биринчилардан бўлиб таътил ва бўш вақтида турли
мўлжаллар халклари ҳаёти, маданияти, яшаш тарзи, табиий,

тарихий ёдгорликлари билан танишадиган кишига турист деб аташ мумкин, деб таърифлайди. П.Г.Олдак эса саёҳат қисқа (дам олиш ва саёҳат, экскурсия) <ва кенг (дам олиш, даволаниш, илмий сафар ва учрашувлар, маданий кечалар) маънодаги гушунча, деб қарайди (Ердавлетов, 1999).

Р. Абдумаликовнинг фикрича, туризм-саёҳат пайтида «тур» (белги) ўрганиш деган маънони билдириб, тоғ, адирлар ва узоқ масофаларга саёҳат қилиш, охирги манзилга белги қўйиб келиш ёки чўққига чиққанликни билдириш учун бирон белги қўйишни англатади, деб таърифлайди (Абдумаликов, 1978). Бу фикр кўпроқ мактаб ўлкашунослиги ва туризми билан боғлиқдир. Кишиларнинг бирор минтақадан ёки ҳудуддан бошқа жойларга сафар қилишида бевосита географик хусусиятлар, яъни қулай табиий географик шароит ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик муҳим аҳамият касб этади. Туризм географияси, А.Солиев фикрича, бу «жонли, фаол» ёки «ҳаракатдаги география» дир. Чунки, бирор туристик объектни кўриш учун ўша жойга бориб бевосита кўриши лозим. Бу мақсадга эса географик маршрутлар асосида амалга оширилади. Қолаверса, география фанининг тарихи, келиб чиқиши ҳам кўп жиҳатдан айнан турли хил саёҳатларга, ҳозирги замон гили билан айтганда, туризмга боғлиқ. Умуман олганда туризм кенг маънодаги кўп қиррали мажмуали тушунчага айланиб бормокда.

Туристтик ресурслар мақсад ва вазифаларига кўра табиий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларни ўз ичига олади (Путрик, Свешников, 1986). Шу жиҳатдан туризм географияси билан рекреация географиясининг фарқларини аниқдаш муҳим масаладир. Рекреация географияси дам олиш, ҳордиқ чиқариш, соғлиқни тиклаш, табиат гўзаллигидан завқданиб, руҳини кўтаришга қаратилган фаолият мажмуини ўз ичига олади. Рекреация сўзи полякча «рекрасиа» - дам олиш, латинча «рекратио» - соғлиқни тиклаш демакдир. Бинобарин, узоқ муддатга мўлжалланган рекреацион фаолият туризмга мос келади ва шу

нуқтаи назардан ҳам туризм географияси анъанавий рекреацион географиянинг бир кисмидир. Рекреацион туризм бевосита соғлиқни тиклаш (санатория, курорт, пансионат ва ҳ.к) билан ҳам боғлиқ. Бизнингча, туризм географияси билан рекреация туризми бир-бири билан алоқадор тушунчалардир. Чунки, рекреация географияси кишилар соғлиғини тиклаш, соғломлаштириш, дам олиш

пайтида туристик экскурсиялар уюштирилиб, уларнинг саёҳатларга чиқиши бевосита туризм билан боғланиб кетади. Чунончи, «экскурсия» лотинча-сафар-саёҳат (музейларга, тарихий ёдгорликларга, табиат қўйнига ва ҳ.к) қисқис маъносини англатади.

Баъзи олимлар фикрича, туризм ўзининг умумий хусусиятлари ва функцияларига кўра уч типга ажратилди; 1. Даволаниш, 2. Соғлиқни тиклаш-спорт 3. Танишув туризми (Ердавлетов, 2000). Бизнинг фикримизча, юқоридаги типологик функцияларни ҳисобга олган ҳолда туризмни соғломлаштириш ва спорт, танишув, диний, касбий ва бошқа шу каби турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Дмитриевский булардаи ташқари, илмий, экскурсион, фестивал, хизмат, қишлоқ туризмларини ҳам белгилаган (Дмитриевский, 2000).

Бундан ташқари, сайёҳнинг маршрутларга чиқишидан мақсади ва истаги ҳар хил бўлишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Туристлик фаолиятда сайёҳ, яқка ёки махсус маршрут асосида сафарга чиқиши мумкин. Шунингдек, саёҳат пайтида бир вақтнинг ўзида кўпгина мақсадларни, яъни, туризмнинг кўпгина функцияларида иштирок этиши ҳам назардан ҳоли эмас.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшиланиб бориши, унинг бўш вақтини кўпайиши, оиланинг моддий даромадини ўсиши дам олиш пайтларини кўнгилдагидек ўтказишга сабаб бўлади. Шу боис, кишилар дунёни кўриш, табиат қўйнида дам олиш, соғлиғини тиклаш ва бошқа туристик манбалардан фойдаланишни исташади. Бу эса бевосита туризм географияси билан боғлиқ масаладир. Чунки, кишилар дунёни картадан эмас, балки ўз кўзлари билан кўришни исташади (Зачиняев, Фалькович, 1972). Дарҳақиқат, саёҳат давомида сайёҳлар ҳудудларнинг туристик имкониятларини сафарлар уюштириш орқали амалга оширади. Бу туризмнинг ўзига хос хусусиятидир. Шу ўринда, туризмнинг турлари ва кўринишлари, жумладан, ташкилий асослари, давомийлиги, мавсумийлиги ва ёш жикатлари турлича бўлишини қисобга олиш лозим .

Маълумки, туризмнинг 2 асосий бўлими мавжуд бўлиб, булар ички (маҳаллий) ва ташқи (халқаро) туризмдир. Маҳаллий туризм - бу ўз мамлакати ҳудудида ҳеч қандай қийинчиликсиз (визасиз, божхона тўсиқларисиз ва ҳ.к; исталган жойга сафар қилиши, дам олиши ва бошқа туристик

фаолият билан машғул бўлишидир. Маҳаллий туризм билан халқаро туризм бир бири билан чамбарчас ривожланиб боради, аммо, маҳаллий туризмда сўзлашув, транспорт (кўпчилик ўз шахсий автомобилларида саёҳат қилишини ҳисобга олиб) ва бошқа муаммолар анча осон кечади. Маҳаллий туризмнинг минтақамиз (Марказий Осиё) учун энг муҳим жиҳати саёҳатга танлаган сайёҳлик маршрути билан биргаликда диний қадамжойларга зиёрат қилиши ҳамда қариндош-уруғ ва дўстларни кўриш бир вақтнинг ўзида амалга ошиши мумкин. Маҳаллий туризмда ўзи яшаб турган минтақани кўриши ва ўрганиши орқали маънавий дунёқараши ошади ҳамда ватанига муҳаббат уйғонади, шунингдек, аҳолини соғломлаштириш, иш қобилиятини тиклаш ва меҳнат ресурсларнинг фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

Халқаро туризм - бу бир давлатдан бошқа давлатга уюштириладиган саёҳатдир. У виза, медицина текшируви, валюта алмаштириш ва бошқа кўпгина тадбирларни ўз ичига олади. Халқаро туризм маълум мақсадда уюштирилган маршрут йўналиши асосида гуруҳ ёки якка тартибда кечиши мумкин. Бунда энг аввало сайёҳлар шу давлатнинг ўзига хос бўлган тарихий обида ва шаҳарлари, маданияти, санъати, урф-одати билан танишиши ҳамда бошқа бетакрор туристик объектлардан чавқ олишдан иборатдир. Шунингдек, халқаро туризм спорт мусобақалари, илмий анжуманлар, конференция, маданий алоқалар, диний маросимлар (масалан, ҳаж сафрига бориш) билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Халқаро туризм жуда қадимдан ривожланиб келган. Чунки ўша даврда мамлакатлар ўртасида аниқ чегаралар бўлмаганлиги, бир давлатдан иккинчи давлатга, шаҳардан шаҳарга бориш ҳеч қандай қийинчиликлар тувдирмаган. Айни вақтда шу давлатнинг ҳудудида жорий этилган тартиб қоидаларга қатъий риоя қилинганлиги учун савдосотик, маданият, санъат ва фаннинг дунё миқёсида ёйилишида туризмнинг аҳамияти катта бўлганлиги тарихдан маълумдир.

Касбий саёҳат қадимдан ривожланган бўлиб, ҳозирги пайтда ҳам

бу саёҳат энг ананавий ва фаол ҳисобланади. Касбий, жумладан, илмий сайёҳлик олимлар, илм намоёндалари ва бошқа касб эгалари томонидан бирор ҳудуд, минтақанинг тарихий, археологик жойларини текшириш, аҳолиси, этнографияси, маданияти ва санъатини ўрганиш ҳамда илмий анжуманлар, ҳамкорликдаги илмий ишларни бажариш,

м;така ошириш юзасидан қилган сафарларининг туризм билан .1лоқадорлигидир. **Соғломлаштириш, соғлиқни тиклаш туризми** бевосита рекреация туризми билан боғлиқ бўлиб, кишиларнинг меҳнат таътили вақтларида ўз саломатлигини ва мш қобилятини тиклашга қаратилган фаолиятдир. Санатория-еогломлаштириш рекреация мажмуига курорт дейилади. «**Курорт**» сўзи немис тилидан олинган бўлиб, у «даволанадиган **жой**» маъносини англатади. **Диний туризм** \алкларнинг ўз динига бўлган ҳурмати ва эътиқоти нуқтаи назаридан мукддас кадамжойлар, шаҳарлар, қабристон ва азиз саналган масканларга зиёрат қилишдир.

Спорт туризми-спорт ўйинларига мусобақалар у I казиладиган минтақага ёки мамлакатга спортчилар билан Пиргаликда мухлисларнинг ташрифи демақдир. Қайд этиш лозимки, ҳозирги пайтда туризмнинг бу тармоғи катта даромад млнбаи сифатида тез ўсиб бормокда. **Танишув туризми** кенг ммовли бўлиб, сайёҳликнинг барча тармоқлари ■ билан чамбарчас боғлиқ. Туризмнинг бу тармоғида саёҳат пайтида с.1ёёҳ янги жойлар билан танишиш, кўриш билан маънавий ивқ олади. Шунинг учун юқоридаги туризмнинг функциоал | урларидан барчасида асосан бу тармоқнинг бевосита иш гирок лиши характерлидир.

Туризм географияси предметига олимлар турлича таъриф Псради. Масалан, С.Ердавлетов фикрича, туризм географияси \удудлар хўжалигининг мажмуали шаклланиши,

минтақаларнинг хўжалик фаолиятини туризм нуқтаи назардан урганишдан иборат, деб таърифлайди. Бинобарин, Б.Б.Родомон (1971) фикрича, географлар вазифаси шундан иборатки, улар \удудлар имкониятларини аниқдаб, рекреация ресурсларини клрталаштириш, самарали фойдаланиш бўйича тавсия ишлаб чиқиш, гўзал ландшафтларни рекреация мақсадида муҳофаза мшиш йўллариини ишлаб чиқиш рекреация географиясининг мақсади деб қарайди.

Шундай қилиб, **туризм географияси (ТГ) иқтисодий ва ижтимоий**

географиянинг бир бўлаги бўлиб, у турли мамлакат нп минтақаларда сайёҳдикнинг шаклланиши, ривожланиш иа ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари ҳамда қонуниятларини ўрганади. ТГ ҳудудий ҳаракат оқибатида, яъни ер юзининг турли томонларига географик маршрутлар уюштириш асосида вужудга келади. Бу эса минтақада хизмат

кўрсатиш географиясини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам сабабчи бўлади.

Туризмнинг ривожи ўз навбатида жамият ишлаб чиқаришининг ўсишига, унинг тўғриликларини яхшилашга, иқтисодийнинг туризмга тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган соҳаларида ҳам меҳнат унумдорлигани оширишга кўмаклашади. Шунингдек, туристик истеъмол кўп бўлган иқтисодий жараёнларни рағбатлантиради, нотуристлик тармоқлар учун қўшимча бозор очади ва бу бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади (Комилова, 2001).

Демак, туризм соҳасида қўшимча хизматларнинг пайдо бўлиши, яъни, туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматларини ташкил этиш, қўшимча хизматларни амалга оширишга янги иш жойларни вужудга келтиришга имконият яратади. Бунинг учун, бизнингча, минтақанинг ҳўжалиги, аҳолиси, унинг сони, таркиби ва бошқа хусусиятларини ўрганишни ҳам талаб қилади. Бинобарин, туризмнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда ўрни бекиёсдир.

Модомики, барча фанлар бир-бири билан узвий шўқадорликда ривожланар экан, туризм географияси ҳам кўплаб табиий ва гуманитар фанлар билан жумладан, рекреация гесмрафияси, тиббиёт геофафияси,

ландшафтшўнослик, ўлкашўнослик, мамлакатшўнослик ҳамда иқтисодий, тарих, этнография, ҳўқуқшўнослик ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда тараққий этади. Туризм геофафияси ўз тадқиқот доирасида айниқса рекреация географияси билан узвий боғлиқдир. Сабаби ҳар қандай туристик саёҳат давомида кишилар маълум даражада дам оладилар, ўз куч-қувватини тиклайдилар, Айни вақтда рекреация, яъни дам олиш, даволаниш пайтида албатта вақт-вақти билан турли сайёҳлик тадбирлари ўтказилади, маршрутларга чиқилади. Шў жиҳатдан бў икки тармоқ чамбарчас боғлиқ бўлиб бир-бирини тўлдириб туради.

Туризмнинг географик хусусиятлари. Саёҳат инсон тафаккурини кенгайтиради, дунёни теран англашга хизмат қилади. Кишилар ер юзининг бир-бирига ўхшаш бўлмаган жойларини кўришни хохлашади. Демак, бирор ҳудуд ёки минтақага саёҳатга чиқишда табиий шароит катта аҳамиятга эгадир. Аксарият сайёҳлар бўш пайтларида табиат қўйнида дам олиш, овчилик қилиш, спорт ва бошқа машғулотлар билан

шуғулланишни иштади ҳамда ўз соғлиғини тикладилар. Шунинг учун хорижий давлатлардаги кўплаб туристик фирма н<1 компаниялар кенгрок бу омилардан фойдаланишга ҳаракат мшадилар. Бу ўринда Жануби-шарқий Осиё, Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Австралия ва Океания члвлатлари туристик фирмалари ўз харидорлари бўлган Европа и. Шимолий Америка мамлакатлари сайёхларини кўпроқ |лбиати гўзал ҳамда экзотик жойларини кўрсатишга катта л.тибор қаратади.

Денгиз бўйи, ўрмон, тоғ ва тоғолди районларидаги мвлатлар, Ўрта денгиз ҳавзасида жойлашган ҳамда Малайзия, Пндонезия, Сингапур ва бошқа шунга ўхшаш соҳил м.1млакатлари сайёхдарни кенг жалб қилади. Бу, ўз навбатида, мбий туристик имкониятнинг юқорилигидан далолат беради. Шунингдек, бу давлатларнинг тоғ табиати, ландшафти, рслъефи, иқлими, тоғ спорти ва бошқа хусусиятлари билан I шёхларни қизиқтиради. Булардан тоғ туризми Европанинг Лъпида, Осиёнинг Ҳимолойида, Африканинг Атлас тоғларида, Лмсриканинг Кордштьерасида кенг ривожланган.

Туризмнинг экологик жиҳатлари. Туризмни иқтисодий иографик жиҳатдан баҳолашда аҳоли ва унинг хўжалик флолятининг ўсиши табиатга, табиий муҳитга салбий таъсири У|ианилса, табиий географияда эса атроф-муҳит, табиий компонентлар ва ландшафтларнинг антропоген омил таъсирида V ч ариши билан боғлиқ муаммолари тахлил этилади. Ушбу члсалалар билан туризмнинг нисбатан яиги йўналиши бўлган жологик туризм ёки экотуризм шуғулланади.

1997 йил Бразилияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон кошрессидида қайд этилган маълумотга кўра, дунё бўйича жами I лсхатга чиққанларнинг 12 фоизи экотуризмда яъни, «яшил» I лсхатга чиқишган. Ғарб олимларининг баҳолашича, 1993 йил жотуризмдан тушган даромад 30 млрд. АҚШ долларини \.|чк,аро туризмдаги жами даромаднинг 10 фоизни ташкил шлн. Саёҳатнинг бу тури асосан АҚШ, Канада, Австралия, Пспал,

Эквадор, Бразилия, Филлипин, Кения, ЖАР |лнлатларида тез
ривожланмокда (Александрова, 2002).

Дунё миқёсида туризмнинг энг янги йўналишларидан
экотуризмни^г асосий мақсади туристик маршрутларни ташкил
этишда атроф муҳитни, табиий мувозанатини | .1к,плб қолишга
эътиборни кучайтиришдир. Шу нуқтаи ил1;'рдан экологик туризм
умумий экологик муаммоларни ечиш

билан уйғунлашиб кетади. Масалан туризм ландшафтлар окотизимида туристик салоҳиятидан уларга зарар кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш жиддий аҳамият касб этади. Бу эса 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТ нинг атроф муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган конференциясида қабул қилган «барқарор ривожланиш» тамойилига мос келади.

Туристик саёҳатларга чиқишдан мақсад саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан, тоза тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, «ёввойи» табиат бағрида дам олиш, шунингдек, ўзга халқ урф-одати, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборатдир. Бинобарин, экологик тоза ҳудуд ажойиб табиат ва бошқа рекреация ресурслари экотуризмнинг муҳим объекти бўлиши билан бирга, айни вақтда экологик танг ҳудудларни ҳам тадқиқ қилиш зарурлигини эслатиб туради. Экологик туризмнинг ўсишини шундан ҳам кўриш мумкинки, асосий халқаро туристик маршрутлар гўзал экзотик табиати ва бетакрор туристик ресурслари кўп бўлган Австрали, Янги Зеландия, Жанубий Америка, Африка давлатларига, Гавай оралларига тўғри келмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, халқаро туризм бозорида экотуризмнинг ҳиссаси ҳозирги вақтда 1/5 га етди.

Республикаимиз тарихий, археологик, архитектура, санъат, музика ва бошқа туристик имкониятларга ниҳоятда бой. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, тоғ ва текислик, дарёлари, чўл ва воҳалари, кўл ва турли ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир. Уларни экотуризм нуқтаи назаридан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Денгиз ва океанларда ниҳоятда катта туристик имкониятлар мавжуд. Кейинги пайтларда дунё океани бўйлаб ер шарининг турли қисмларига саёҳатга чиқувчилар сони тез ўсиб бормоқда. Чунки, денгиз, иклими, гўзаллиги, табиати, ҳайвонот дунёси, ороллариининг ўзига хос табиати билан танишиш кишига катта завқ бағишлайди. Ўрмон ҳам

дам олувчи ва табиат қўйнига сайр қилувчи сайёҳдарни ўзига тортади. Ўрмон ўзининг кислородга бой захираси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан, шунингдек, соғлиғини тикловчи ва сокинликни истовчи сайёҳдар учун муҳим туристик объект бўлиб ҳисобланади. Шу боис, ботаника боғлари, турли оромгоҳдар, миллий боғлар сайёҳларнинг энг гавжум жойларидир.

Дарё ва кўллар ҳам ўзига хос ландшафт, микроикдим чусусиятлари кишиларнинг асосан мавсумий дам олиши, балиқ 1УШШИ, сув спорти, чўмилиш жойлари (пляжлар) ва ҳоказолар . .шёхларни қисқа вақт давомида марокли дам олишини |.п.минлайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда кўплаб дам олиш мшари ушбу туристик объектларда қурилган. Дунё туризм ■141111! ривожланган Италия, Швейцария, Испания каби млмлакатларда маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун туристик фирмалар томонидан ҳар хил маршрутлар асосида жекурсиялар кўпроқ дарё ва кўлларга уюштирилади. Бунда 'ирс ва кўлларнинг экологик жиҳатдан тозалигини саклаб қоииш назарда тутмокда.

Республикамизда х,ам қатор катта ва кичик дарё ва кунлар, сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг туристик I .поҳияти ҳозирча ўнча кўнгилдагидек эмас. Бинобарйн, ьундай гидрологик объектларидан самарали фойдаланшц учун .пшало кенг кўламли географик ва картографик тадқиқотлар у^казиш, шунингдек, сайёҳлик билан шуғулланадиган фирма ва компаниялар қизиқишини ошириш лозим. Масалан, Самарқанд шақри ва унинг атрофидаги кўл ва боғлар ниҳоятда туризм учун қулай. Аммо, шаҳарни кесиб ўтган Зарафшон дарёси кирғокларига фақатгина тартибсиз мавсумий, маҳаллий I'айёҳдар келиб кетади, холос. Ваҳолонки, шаҳарнинг қулай |уристик имконияти ва демографик сш>шини ҳисобга олиб, Ърафшон дарёси соҳилида, Самарқанд денгази (Хишрав сув омбори) ва бошқаларда туристик хизматни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудлари экологик танг зона Пўлиб ҳисобланади. Бу ҳудудга бевосита таништирув .\амиятига эга бўлган экотуристтик саёҳатлар уюштириш ҳам у Iига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, ўлкамизда қатор Смликли-кўллар мавжуд бўлиб, улар Бахмал, Нурота, Мнгиқўрғон ва бошқа туманларда жойлашган. Албатта, бундай чбъектларни ҳам маҳаллий ва халқаро туризм дастурларига киритиш лозим.

Тарихий обидалар экотуризми. Ўзбекистоннинг бой тарихи, унинг босиб ўтган йўли ва шон-хўхратидан далолат берувчи тарихий обидалар узоқ йиллардан бери сақланиб келинмоқда. Бироқ, кейинги йилларда аҳоли сонى ва натижанинг ўсиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши (урбанизация) саъюат ҳамда транспортнинг

юксалиб бориши таъсирида бундай объектларда экологик вазиятнинг кескинлашуви юзага келмокда. Демак, айтиш мумкинки, табиий муҳит, табиат билан жамият ўртасидаги номутаносиблик охир оқибат экологик вазиятнинг ёмонлашуви, экотуристтик вазиятнинг салбий кўринишини вужудга келтиради.

Тарихий обидалар экотуризми билан танишиш республикамизда жуда кўп бўлган қадимий шаҳар харобаларини бевосита кўришни ҳам назарда тутди. Шу жиҳатдан Аҳси, Афросиёб, Аёзқалъа, Кампирқалъа, Тупроққалъа, Поп, Насаф, Косонсой каби шаҳар қолдиклари сайёҳдар диққатини ўзадга жалб қилиши аниқ.

Тоғ экотуризми бевосита табиат билан инсон ўртасида ўзаро тўқнашуви қай тарзда кечиши билан боғлиқ. Юртимиздаги кўплаб табиат гўшалари борки, у бевосита сайёҳларнинг дам олиш ва соғломлаштириш вазифасини бажаради. Бинобарин, тоғ ҳудудидаги ҳушманзара жойлар чет эллик сайёҳлар учун очилмаган кўрикдир. Фақат биз уларни қизиқтира олсак, ҳар бир сайёҳни табиат кўйнида дам олиш ва соғлиғини тиклашга эриша олсакгина экотуризмнинг имкониятлари ниҳоятда кенгаяди. Аммо бунинг учун экологик вазият ва туризм хизматини яхшилаш талаб этилади. Маҳаллий сайёҳларнинг мавсумий дам олиш пайтларидаги тартибсизлиги натижасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг пайҳон қилиниши, лола, равоч, кийик ўти, тоғ пиёзи каби ноёб, тиббиётда фойдаланиладиган ўсимликларнинг йўқ қилиниши шу жойларда ноҳуш экологик вазиятни юзага келтиради. Бундай ҳудудларни кўриқлаш, авайлаб асраш, дам олишни ва гуристтик маршрутларни тўғри ташкил этиш лозим. Шу мақсадда экотуристтик тадқиқотлар ўтказиш ва қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-тоғлардаги ҳушманзара ва ноёб табиат гўшаларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, бунинг учун махсус кўриқхона ва мшший боғлар (парклар) ташкил этиш;

-ҳудудларни туристик районлаштириш ва уларни
экотуристик нуқтаи назардан баҳолаш;

-соғлиқни сақлаш ходимлари билан биргаликда санаторийлар
қуриш учун шифобахш жойларни ўрганиб чиқиш;

-тоғ экотуризмини ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб
чиққан ҳолда йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, туризмни ривожлантиришда унинг экологик томонларини географик жиҳатдан илмий ўрганиш келажакда катта аҳамият касб этади. Бунинг учун туристик объект ва рекреация, табиий зоналар ва ландшафтлар ҳолатидан самарали фойдаланишда уларнинг жологик хусусиятларига эътиборни қаратиш талаб этилади.

1.3. Халқаро туризмнинг тарихи ва ривожланиши

'Туризм қадимдан халқлар ўртасидаги (иқтисодий, савдо тиги, фан, маданият, санъат, ҳунармандчилик ва ҳ.к.) алоқа манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, эрамыздан ишлаган 3-2 минг йиллар давомида кишиларнинг янги и-офафик жойларни очиш, ўзлари учун қулай ҳудудларни наллаб олиш, бойлик орттириш ва бошқа мақсадларда дунёни ургана бошланган.

«Буюк Ипак йўли» нинг очилиши Ва ундаги халқаро муносабатларнинг ривожланиши ' бевосита туризм

к-ографиясининг тарихига бориб тақалади. Бундан ташқари, Муқж геофафик кашфиётлар даврида дунё океани бўйлаб I ;шҳатлар оламни билиш ва янги ерларни очиш мақсадидаги |урли географик саёҳатлар туризмнинг шаклланишида муҳим имил бўлди. Бу ўринда юртимизнинг буюк олим ва мугафаккирлари Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Фаробий, Лмир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқаларнинг ҳам мпматлари каттадир.

Мазкур фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш мрнхини баъзи илмий адабиётларда (Уницикер, Мариотти ва \ к.) ўзига хос тарихий босқичларга ажратган. Жумладан, М.В.Соколова туризм тарихини кенг кўламли тадқиқ этиб, уни •I босқичга (Қадимги саёҳат, Ўрта аср юришлари ва I лсқатлари, Янги давр туризми ривожланиши ва XX аср |уризми) ажратган (Соколова, 2002). Ушбу мулоҳазалардан м-11иб чиққан ҳолда биз туризм тарихини 3 қисмга ажратишни м.1к,садга мувофиқ

деб билдик:

1. Қадимги ҳамда ўрта аср ва уйғониш даври туризми;
2. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр туризми;
3. Ҳозирги замон туризми.

Маълумки, дастлабки туристик саёҳатлар савдо-сотиқ м,1Ксадларида вужудга келган. Эрамиздан аввалги, бундан 14 мииг йил аввал қадимги Мисрда ўзига хос тусга кирган Миср

шоҳи Хатшепсут денгиз экспедициясида саёҳат уюштиради (Шаповал, 1998). Эрамиздан аввалги VI асрда Миср фирауни Нехао уч йиллик саёҳатни Африка бўйлаб ташкил этади. Кейинчалик эса Миср зодагонлари кўплаб шаҳарларга (Греция, Рим ва ҳ.к.) саёҳатга чиқа бошлади. Бу даврда туризм асосий бойлик топиш учун уюштирилар эди. Шунинг учун улар ўзлари учун қулай йўллар ва дам олиш жойлари барпо этган. Бойлик орттириш мақсадида бундан 2300 йил аввал Ксенофонт грек портини қуриш, савдо расталари ва давлат уйлари барпо этишни буюради. Бу унга катта даромад олиб келади. Айни пайтда шу давр учун меҳмонхона хўжалиги хизматлари шакллантирилди. Баъзи юйён ва римликлар ўзи яшаб турган шаҳардан унча узоқ бўлмаган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида дам олиш, даволаниш ва ов қилиш учун махсус жойларни барпо этишган. Туризм айниқса Буюк географик кашфиётлардан кейин тез ўсиб борди. К. Либеренинг таърифича, «Европада XVIII асрда туризм янги кўриниш олди сайёҳдар танишув, даволаниш ва дам олиш мақсадида ҳамда савдо-сотиқ аҳамиятидаги саёҳатлари тез ўсди» (Ердавлетов, 2000, 6.81-84).

XUP-XUШ асрда мактаб ўқувчиларининг Европа давлатлари бўйлаб пиёда саёҳати тарихга «Буюк туристик саёҳат» бўлиб киради. Улар Лондондан бошлаб Испания, Франция, Италия ва Греция давлатларида бўлишиб, саёҳат давомида ҳар бир давлатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одати, маданияти ва санъати билан танишдилар. Тарихда биринчи бўлиб оммавий туристик саёҳат Англияда 1841 йили Томас Кук уюштирган туристик маршрут бўлиб, у 600 кишилик сайёҳни темир йўл транспортида Лейстердан Лафборога саёҳат ташкил қилди. Т.Кук 1845 йил Ливерпулга, 1865 йил Швейцарияга саёҳат уюштирди ва 1882 йил дунёда биринчи бўлиб жаҳон бўйлаб туристик саёҳатни ташкил қилди. Томас Кук ўз саёҳат маршрутида темир йўл, кема, меҳмонхона ва бошқа объектлар билан шартнома тузиш асосида саёҳатини ташкил этди (Ердавлетов, 2000, 6.85).

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Ғарбий Европа ва Америка давлатларида туризм алоҳида бошқарув ва уюштирилган туристик гуруҳлар асосида ривожлана бошлади. Биринчи жаҳон урушигача чет эл туризмида аксарият юқори табақали бой аҳоли қатнашди. Бу даврда туристик саёҳатлар асосан денгиз ва денгиз бўйи қирғоқлари ҳамда дам олиш

мшарига уюштирилди. Бунда Франция, Италия, Швейцария ва (мпиқа давлатларда туристик фаолият ривожланди!

Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йиллари оралиғида |урнстик саёҳатлар ўзига хос янги мазмун касб этди. •идиликда туристлар томоша ва дам олиш билан биргаликда мпишув мақсадлари, қадимий ёдюрликлар, архитектура, * .Н1 бат, маданий ёдгорликларни ўрганишни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бироқ, иккинчи жаҳон уруши тгшарида дунё миқёсида халқаро туризмнинг ўсиш суръати ||||\«ятда йасайиб кетди. Биринчи жаҳон уруши даврида иичига халқаро туризмда 18-19 млн. киши машғул бўлган «•Vиса, 1947 йилда ушбу фаолиятда 16,6 млн, 1949 йилда эса 20 мпп кишини ташкил этади. Ғарбий Европада XX асрнинг мкинчи ярмидан кейин «ички Европа характери»га хос туризм |М1ножланди (Зачиняев, Фалькович,1972).

Туристик саёҳатлар Скандинавия, Австрия, ГФР, Ииния, Италия, Франция ва бошқа қўшни давлатлар \масида кенг миқёсда уюштирилди. Америка қитъасида ҳам \Қ,Ш, Канада, Мексика, Панама каби давлатларда у тез ўсди. Лчерика сайёҳларининг Европага ва, аксинча, Европа 1 .техдарининг Америка ва бошқа қитъа мамлакатларига > .1с\ати кенгайди. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин собиқ шшфокда ҳам туризмга катта эътибор қаратилди. Унда |урпстик саёҳатларни асосан собиқ социалистик давлатларга моштиришни кўзда тутди. Ҳукумат 1969 йил 26 июнь куни шшфокдош |республикаларда туризмни ривожлантириш |у|рисида фармон чиқарди. Шундан кейинги йиллар давомида \.1мдўстлик давлатларида туризм шакллана бошлади. Бироқ, мькидлаш жоизки, узоқ мустабит тузум даврида қадимдан шаклланиб келган сайёҳликнинг ўзига хос хусусиятлари анча иуқолиб кетган эди. Бинобарин, собиқ иттифокнинг п.||1чаланиб кетиши натижасида ташкил топган мустақил мииатларда туризмнинг янги йўналишлари вужудга кела |ц>1пади. Афсус билан айтиш лозимки, 70 йиллик қатоғонлик 11-П аталмиш советлар даврида жаҳон туризмнинг

ниҳоятда ршюжланиши, хўжаликнинг муҳим тармоғи сифатида имклланиши асосан Ғарбий Европа, Америка ва Шарқий Осиё мшштларида кўзга таиЙтанди, бизда эса, аксинча, у тараққий пмади.

Халқаро туризм географияси. Давлатпар ўртасида I лиехдар айрибошлаш халқаро алоқаларнинг бир тури бўлиб, у

туристик ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминла?

Халқаро туризм жаҳон халқдарининг бир-бирини ўрганишг дўстона алоқани, савдо-сотиқни, маданият ва илм-фани юсалтиришга хизмат қилади. Халқаро туристик фаол^ минтақа ва регионлар ёки давлатлар бўйича мифацион ҳарак^ ҳисобланади. Саёҳат пайтида сайёҳдар меҳнат (маҳсуло ишлаб чиқариш, моддий даромад олиш каби ишлар) била) банд бўлмасдан, балки қабул қиладиган давлатга валк тўлашади. Тахлиллар шуни кўрсатадики, дунё миқёс^ туризмнинг географик тақсимооти бир хил эмас. Шу боий минтақа ёки давлатлар туристик салоҳиятлари ва уларда^ фойдаланиш хусусиятларига кўра бир биридан фарқ қилади. Чизмадан кўриш мумкинуки, Европа 57,7 фоизни, Америк қитъаси 18,5, Осиё ва Тинч океани минтақаси 16,0 фоизт] ташкил этган (Липец ва бошқалар, 1999). Жаҳон миқёсид^ Европа ва Америка минтақасида халқаро туризм салмоғ юқори, аммо ривожланиш суръати эса Шарқий Осмё, хусусак Тинч океани соҳиллари давлатларида жадал кечмокда.1

Бинобарин, жаҳон туристик ресурслари ва уларнинг минтақаларда етакчилик қилаётган ҳудудларни куйидагича! ажратиш мумкин:

1. Европа минтақаси; а) Шимолий Европа (Дания,! Швеция, Финландия), б) Шарқий Европа; (Венгрия, Чехия), в)| Марказий Европа; (Германия, Швейцария), г) Ғарбий Европа;; (Франция, Буюк Британия, Нидерландия), д) Жанубий ва I Ғарбий Европа (Испания, Италия, Греция).

2. Урта ер денгизи минтақаси; Кипр, Исроил, Туркия

3. Шимолий Америка минтақаси; АҚШ, Канада, Мексика

4. Лотин Америка минтақаси; Бразилия, Венесуела, Колумбия.

5. Австралия ва Океания; Австралия, Гавай ороллари,

Янги Зелландия.

6. Осиё минтақаси; а) Шарқий Осиё. Хитой, Япония, Жанубий Корея. б) Жанубий Осиё. Хиндистон, Индонезия, Таиланд, Филлипин в) Ўрта Осиё. Ўзбекистон, Қозоғистон.

7. Африка минтақаси; Миср, Тунис, ЖАР.

Туризм жаҳон иқтисодиётининг асосий тармоғи сифатида турли соҳалар ичида йиллик фойда кўрсаткичлари бўйича дунёда олдинги ўринларнинг бирига чиқиб олди. Жаҳон мамлакатлари ичидаги биринчи ўнликда турадиган давлатларда

рпшдан келадиган фойда кўрсаткичларини ҳамда келадиган меҳдар сонини таққослаш асосида халқаро туризмнинг ппақавий ўрнини аниқлаш мумкин (4-5 жадваллар)

4-жадвал Жаҳонда биринчи ўнликда турадиган давлатларга келадиган

Мамлак	Сайёҳла	Жаҳонд
Франция	75.5	10.8
АҚШ	50.9	7.3
Испания	48.2	6.9
Италия	41.2	5.9
Хитой	31.2	4.5
Буюк	25.3	3.6
Россия	21.2	3.0
Мексика	20.6	3.0
Канада	20.4	2.9
Германи	19.0	2.7
Жах	697,6	100,0

5-жадвал

Жаҳон мамлакатлари ичидаги биринчи ўнликда турадиган давлатларда туризмдан келадиган фойда

(2000 йил, млрд. АҚД1 доллари х.исобида)

Мамлак	Сайёҳл	Жах.он
АҚШ	85.2	17.8
Испания	31.0	6.5
Франция	29.9	6.3
Италия	27.4	5.7
Буюк	19.5	4.1
Германи	17.8	3.7
Хитой	16.2	3.4
Австрия	11.4	2.4
Канада	10.0	2.0
Германи	9.3	1.9
Жах	423.1	100

(Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) 1975 йил ташкил этилган Бутунжаҳон туристик ташкилотга 30 дан ортиқ давлатлар аъзо буаиб, штаб квартираси Мадрид шаҳрида жойлашган) *

Юқоридаги жадваллардан маълум бўладики, халқаро туризмдан энг юқори даромад бўйича АҚШ (85,2 млрд. дол. -17,8 фоиз), сайёҳлар сони жиҳатидан эса Франция (75,5 млн. киши -10,8 фоиз) ажралиб туради. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар бўйича АҚШ, Испания, Италия, Буюк Британия мамлакатлари ҳам анча юқори мавқега эга. Халқаро туризм жаҳон миқёсида йил сайин ўсиб, фойда кўрсаткичлари ошиб бормокда. Шу боис, олимлар ва мутахассислар XXI асрни туризм асри бўлишини башорат қилмоқдалар. Бинобарин, туризм XX асрнинг охирига келиб мураккаб тармоққа айланди. Чунки, у халқ хўжалигининг барча тармоқлари, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалига, транспорт, меҳмонхона хўжалиги, умумий овқатланиш, спорт ва бошқа кўплаб ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғланиб кетди (Липец ва бошқалар, 1999). 1970 йилдан 1991 йилгача ўтган давр мобайнида жаҳондаги сайёҳлар сони 160 млн. кишидан 525 млн. кишига етди. 2000 йили саёҳатга чиққан туристлар сони 698 млн. кишидан ошди, яъни шу йили дунё аҳолисининг 1/4 қисми туризмда банд бўлган (Александрова, 2002).

Кейинги йилларда дунё бўйича туризм тармоғида банд бўлган аҳолининг сони йилдан-йилга ошиб бормокда. Баъзи маълумотларга кўра, 2005 йилгача бўлган даврда бутун жаҳонда 930 млн. кишини, яъни ер юзи аҳолисининг 16 фоизини туризмга жалб этиш мумкин. 1996 йилда дунёда меҳнатга яроқди аҳолидан 7 кишидан бири туризм соҳасида ишлаган бўлса, айрим давлатларда 20 кишидан 15 тасини ташкил этди. Бу кўрсаткич Европада 300 млн., Шимолий ва Марказий Америкада 98 млн., Осиёда 95 млн. кишини ташкил этган. Демак, аҳоли ва унинг туризм соҳасидаги бандлиги турли мамлакатларда турлича. Бу аввало шу давлатнинг иқтисодий географик ўрни ва тарихий ривожланиши ҳамда табиий шароитнинг қандайлиги билан боғлиқдир. Бинобарин, туризм соҳасидаги қўшимча хизмат турларининг пайдо бўлиши меҳнат ресурсларининг бандлик даражасига муҳим таъсир кўрсатади.

Сайёхдикнинг ўсиши, унга бўлган интилиш бир томондан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлигини, транспорт воситаларининг мукаммаллашганлиги кўрсатса-да, иккинчи томондан, урбанизация даражасининг ўсганлиги, кишилар турмуш шароити, маданий ҳаёти ва моддий фаровонлигининг ошганлиги, кишиларнинг бошқа ҳудуд ва мамлакатлар халқларини билишга қизиқишини кучайтиради.

Шунингдек, табиий, маданий, маънавий, тарихий ёдгорликлар билан танишишга, зиёрат қилишга, табиат гўзаллигидан Парҳаманд бўлишга интилишини оширади. Бутунжаҳон гуристик ташкилоти маълумотига кўра, 1997 йил дунё Пўйича туризмдан тушган даромад 448 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 1996 йилга нисбатан 7,5% ўсганлигини кўрсатади. Башоратларга кўра эса 2010 йилга бориб саёҳатга чиқадиганлар сони 937 млн. кишига, ундан келадиган даромад 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилади (Соколова, 2002). Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, кейинги йилларда айрим минтақаларда содир бўлаётган табиий офатлар (Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган цунами талофатлари ва ер қимирлашлари), терроризм ва маркобизнес, урушлар, яъни нотинч вазиятлар (Афғанистон, Ироқ, Яқин Шарқ мамлакатлари ва ҳ.к.) халқаро туризмнинг усишига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги барчага маълумдир. Шу боис, башоратлар ўз тасдиғини топмаслиги эҳтимоли ҳам мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Сўнгги йилларда АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари халқаро туризмда етакчи ўринга чиқиб олди. Айни вақтда ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу соҳага эътибор кучаймоқда. Айрим давлатларда туризм ҳисобига миллий даромаднинг 40-50 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда. Бундай мамлакатлар жумласига Марокаш, Тунис, Кения, Кипр, Барбадос, Багама, Бермуд, Сейшалль ороллари киришти мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатнинг туристик салоҳияти унинг майдони, ҳудудининг табиий географик, тарихий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати турли-туманлиги ҳамда туристик бозор ва инфратузилманинг ривожланганлигига Гўглик. Бундай омил ва шароитларнинг дунё бўйича фарқ қилиши халқаро туризмнинг энг муҳим кўрсаткичидир. Қуйида берилган 6-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, сўнгги ярим аср давомида давлатларнинг халқаро туризмда йутган ўрни ўзгариб борган. Масалан, 1950 йилда жаҳон бўйича сайёҳларнинг сони 25 млн.

кишидан ортиқ бўлган. Унда АҚШ, Канада, Италия, Франция ва Швейцария мамлакатлари олдинда турган. 1970 йилга келиб «биринчи Пешликда» Италия олдинга чиқиб олган, АҚШ эса 5-ўринга 1ушиб қолган. Оралиқ ўринларни Канада, Франция ва Испания давлатлари эгаллаган.

Сайёҳлар қабул қилиш бўйича ривожланган давлатларнинг тартибий жойланишидаги ўзгаришлар

	195	1970	1990	200	
	АК	Итал	Фран	Фра	
	Кан	Кана	АК	АК	
	Ита	Фран	Испа	Исп	
	Фра	Испа	Итал	Ига	
	Шв	•	Венг	Хит	
	Ирл	Авст	Авст	Бу	
	Авс	Герм	Бу	Рос	
	Исп	Шве	Мек	Мек	
	Гер	Юго	Герм	Кан	
	Бу	Бу	Кана	Гер	
	Нор	Вен	Шве	Авс	
	Арг	Чехо	Хито	Пол	
	Ме	Бель	Грец	Вен	
	Нид	Болг	Порт	Гон	
	Дан	Руми	Мала	Гре	
		25,3	165,8	457,2	697,

Манба'

становления индустрии туризма Казахстана,

Алматы

Айни вақтда Норвегия, Аргентина, Мексика, Нидерландия, Дания каби мамлакатлар мавқеи кескин пасайган. 1990 йилда Франция сайёҳларни қабул қилиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олган ва ҳозир ҳам у ана шундай мавқеи сақлаб қолмоқда. Худди шундай фикрни иккинчи ва учинчи ўринларда турган АҚШ қамда Испания учун билдириш мумкин. 1970 йилда биринчи ўриндаги Италия давлати 1990-2000 йилларда бешинчи ўринга тушиб қолган. Шу ўринда Испания тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мумкин. Бу мамлакатда ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўтказилган иқтисодий ислохатлар айнан туризмдан бошланган. Испания

-МНН1 1ш ия<1 54 млн. сайёхларни қабул қилган ва бундан келган .|.1|н.м.,|,| 12 млрд. АҚШ долларини ташкил этган пЪ (и |1Ч1М1,2002, б. 100). Умуман олганда, сўнгги ўн йилда йН(м1М млчлакатларда (Венеция, Австрия, Греция ва \.к.) *,мк1|><1 туризм сустривожланган, бошқа баъзи бир Фтммлрда эса у тезкор тараққий қилган (масалан, Хитой, 1'м. IиVI, Мексика).

Х.пқаро туризм эркин иқтисодий минтақаларни ташкил

< 1.1 \.1М муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, дунё бўйича бундай миш.ичд даставвал Ирландияда ўтган асрнинг 60-йилларида и*\\л1.1 келган (Шеннон) ва унинг бош омили туризм бўлган. Чп1|||>|ц лаврда қатор эркин иқтисодий минтақалар фаолиятида »>|нпм анча салмоқли ўринда туради. Масалан, биргина < ЧШ.И1 (ав.Гонгконг) эркин иқтисодий минтақаси йилига 7 мми 1-.1Йё\\ни қабул қилиб, ўртача 7 млрд. АҚШ доллари ммк>|)пда даромад олади (Дергачев, 2002, 6.288). Бу кўрсаткич *||!и> чдшхур Рим шаҳридан ҳам юқори (у ўртача бир йилда 3 м 1и I .шеҳ қабул қилади). Шундай қйлиб, ҳозирги вақтда эш ч.ничур туристик мамлакатларга Франция, Испания, АҚШ, Иьшия, Швейцария, Буюк Британия, Греция, Чехия, Словакия, 1\\|1М1я кабилар киради. Андорра, Сан-Марино, Манокога V ^ш.ип «митти» давлатларда туристларга хизмат кўрсатиш ницлл.ш бери асосий дармад манбаи ҳисобланади. Бу к((|^1 мклгларда ҳар бир маҳаллий аҳолига 100 дан ортиқ турист 1М|)П келади. Хорижий Ев^опа давлатларида денгиз бўйи |\\инмининг асосий райони Урта ер денгизи бўйи бўлиб, унга (III М11 а 100 млн. дан 150 млн.гача турист келиб кетади. Бу См1|1,11,| айникса Лагурия денгиз соҳиллари машҳурдир. Бу ерда шимоидан Альп тоғлари тўсиб турувчи Ривьера маркази Пицца, Чпрк.пиядаги Адриатика соҳиллари, Испания соҳиллари, ||.1М.|р ороллари жойлашган бўлиб туризмга мос жойдир.

Тоғ туризмини ривождантириш асосий райони Альп инидмр. Тоғнинг қуйи минтақаси тоғ-чанғи спортида, юқори чишлқаси эса

альпинизмда фойдаланади. Европанинг Париж, 1'мм Мадрид шаҳарлари туристларнинг ўзига хос «Макка» си ми об.шнади. Шунингдек, Лондон, Амстердам, Вена, Берн, 1|к',цен, Прага, # Будапешт, Венеция, Неаполь, Сянган (Ўмиконг) каби шаҳарларида ҳам туристлар оқими М1|'пшикни ташкил қилади. Сўнгги йилларда Жануби-Шарқий (к ис мамлакатлари (Таиланд, Бирма, Сингапур, Малайзия, Ипюнезия) ҳамда Австралиада туризмнинг ривожини йилбайин

ошиб бормокда. Хусусан, Австралия яшил материк сифатида | сайёхликнинг ўзига хос тармоқларини ривожлантирмоқда. Шу I билан биргаликда Марказий Осиёдаги бир қатор давлатлар ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин жаҳон тажрибаси асосида туризмни ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқда.

1.4. Туризмни географик урганишнинг илмий услубий жиҳатлари

Туризм-саёҳат инсон тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиради. Саёҳат кишиларни табиатни севишга, инсонлар турмуш тарзи ва маданияти, санъатини теран билишга хизмат қилади. Шу боис, у ўз моҳият, мақсад ва мазмунига кўра том маънодаги ижтимоий географияга мос келади. Бинобарин, туризм кенг қамровли соҳа бўлиб, унинг ўрганиш объектида география фанининг ўрни ниҳоятда каттадир. Чунки, сайёҳ учун янги жойни (минтақа, табиий ландшафт ва ҳ.к.) ўзи учун кашф қилиш, дунёни билиш, табиат қўйнида дам олиш, қадимий ёдгорликларни кўриш бевосита географик саёҳатлар асосида вужудга келади.

Туризм географиясининг (ТГ) фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида дастлабки изланишлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин И.Г. Коль томонидан олиб борилган. Бу тадқиқот дам олиш, туризм географияси бўйича илк қадамлардан бири бўлди. Шу даврда немис географи А.Геттнер ҳам ўз изланишларида ТГ ўзига хос жиҳатларини очиқ берди. У туризм географиясининг предмети бўйича илмий ишлар олиб бориб, йирик шаҳарлар атрофида табиат ва иқлим ресурсларидан фойдаланиш хусусиятларига катта эътибор берди. Шунингдек, А.Геттнер саёҳат пайтида кишиларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда рекреация ресурсларидан фойдаланишини туризм географиясининг предмети деб таъкидлайди (Ердавлетов, 2000, 6.94-95).

«Туризм географияси» терминини биринчи бўлиб фанга 1905 йилда Д.Страднером киритган. У ўз тадқиқотларида туристик фаолиятнинг хўжаликни ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. К. Шпутц (1919) эса туризмда моддий техник базаларни яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга у маданий тадбирлар ва табиий ландшафтларни туризм географиясининг муҳим объекти сифатида ўрганди. Таъкидлаш жоизки, ушбу фаннинг турли

*.|Г>\алари бўйича хорижий давлатлар олимлари кўп ишанишлар олиб борган. Масалан, Францияда биринчи бўлиб Г¹ Бианшаром (1920) Альп тоғида туризм хўжалиги ва 1У|)мсгик маршрутларни ташкил этиш бўйича илмий н шапишлар ўтказди. Шу даврда Италияда А.Мариотти 1У|чпмнинг тарихий босқичларини ажратди ва шу асосда уни У|>1.шди. Бундан ташқари, 1930-40 йилларда кўпгина давлатлар шшмлари туризм ва туризм географиясининг айрим мфраларига оид илмий тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, 11%)манияда, Францияда, Швейцарияда, Япония ҳамда АКД1да |\|)1пмнинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий туристик |ичурслардан фойдаланиш ва уларнинг имкониятлари трисида илмий асарлар яратилган (Ердавлетов, 2000, 6.97).

I нропа ва Шимолий Америка олимлари томонидан ҳудудларни м'ш миқёсда ўрганиш, илмий асосда дам олишни ташкил • Ш1П ва мавжуд муаммоларни туристик ва географик ьткиқотлар заминида ўрганди. Улар ўзларининг илмий мисняларида ишлаб чиқариш ва табиий муҳит ўртасидаги 1.|(|н)вутни четлаб ўтмади. Шу боис, мазкур минтақаларда |урмш тез суръатлар билан ўсиб борди. Чунончи, 1936-1939 иниларда туризм соҳаси бўйича Краковдаги Ягеллон мижерситетида туристик кадрлар тайёрлашга катта аҳамият Ги-рнлди. Шу даврда поляк географи С. Лишип туризм Н1)| рафиясининг илмий услубий жиҳатларини ўрганиб, ўзининг |н лрларида «Турист географияси» ва «Туризм географияси» к ■рминларини геофафик адабиётларга киритди. У туризм н-офафиясининг ўрганишда статистика, ҳуқуқшунослик, млдлниятшунослик ва бошқа фанлар билан алоқасини илмий- VI чубий жиҳатдан исботлади, туристик тадқиқотларда К||рганинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида туризмга доир илмий н

ш.шишлар, тадқиқотлар бирмунча пасайди. Урушдан кейинги М) 60-йилларда туризм геофафиясини ўрганиш Франция, К.шада, ГФР, Австрия, Буюк Британия, Австралия, Япония ва Гиипка давлатларда кенг кўламли ўрганилди. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги йилларда собиқ иттифокда ҳам бу пумалиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан,

П (' Мироненко ва И.Т.Твердохлебов (1984) рекреация ва |у|ипмнинг геофафж хусусиятлари тўғрисида, П.Н.Зачиняев, 11 (.Фалькович (1972) халқаро туризмнинг географик +,ч|11аниши ва ривожланиши бўйича илмий асарлар яратди.

Бундан ташқари, туризм географиясининг назарий ва услуби!-асосларини Пирожник И.И, Котляров Е.А., Александров А.Ю., Дмитриевский Ю.Д., Ердавлетов С.Р. ва бошқалар илмий ишларида кўриш мумкин. '

Аммо, таъкидлаш жоизки, собиқ иттифокда рекреация ва туризм соҳасини кенг миқёсда ўрганиш яқин ўтмишда бошланди. Ушбу тадқиқотларнинг асосий фан тармоғ сифатида ўрганишда СССР Фанлар академиясининг Геофа институти олимлари: И.П. Герасимов, В.С. Преображенский^ А.А. Минц, Б.Н. Лиханов, Ю.А. Веденин, И.В. Зорин, Л.И. Мухина, Э.Б. Алаев ва бошқалар изланишлар олиб борди.1 Шунингдек, туризмнинг турли йўналишлари бўйича Н.М. Сваткова, К.М. Кривошеева, Б.Г.Фадеев, Д.Кобахидзе, Ю./Штюрмер, У.Н.Набиева. М.И.Азар каби кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган (Котляров, 1978).

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё географ олимлари,! жумладан, З.М.Акрамов, Э.А.Аҳмедов, Ш.Азимов, Г.Р. Асанов,] А.С. Солиев, О.Отамирзаев, С.Р.Ердавлетов, Н.Альшқулова,) М.Хусанбоев, К.Н. Мусин, А.Г. Низамиев, А.А. Жолдасбекон ва бошқалар томонидан туризм географиясининг турли! масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.1 Кўпгина мутахассислар ўзларининг илмий тадқиқотларида| туризм географияси билан рекреация географиясини (РГ) бир бирига қўшилган ҳолда, яхлит предмет сифатида ўрганган.] Аммо бу йўналишларни Н. Жорж, Б.Барье (Франция), И. Матцнер (Германия), Ф. Хелайнер (Канада), В.С.1 Преображенский, Ю.А. Веденин ва бошқалар уларни алоҳида-1 алоҳида кўришга ҳаракат қилишди. А.И. Чистобаев ва М.Д| Шарнгинлар (1990) туризм географияси ижтимоий-иқтисодий] география фани билан боғлиқ ҳолда умумий ҳудудий тизимни] ташкил этади ва ТГ га ижтимоий-иқтисодий географияда] ҳудудий интефал-синтетик фан сифатида ёндошишди.

Н.С. Мироненко ва И.Т Твердохлебов (1981) фикрича,! инсон фаолиятининг барча мақсадли, мақсадсиз, бўш| пайтларида соғломлаштириш, танишув, спорт ва маданий-маиший фаолияти рекреация, саёҳат пайтида аҳоли яшаш жойидан бошқа жойга қисқа ва узоқ муддатли саёҳати, сайр қилиши, экскурсияси, танишув, илмий ва спорт мусобақаларида 24 соат ичида бўлишини туризм деб I ҳисоблайдилар. В.С.Преображенский рекреация географиясини] рекреацион тизим смфатида ўрганиб, унинг предмети ва!

1|ч>1Ш1Ш объектини «кудудий рекреацион тизим» (ХРТ) деб |>н.)ифлайди. Е.А.Котляров (1978) ва И.И. Пирожниклар 11'Ж^) ТГ ва РГ га ўз асарларида алоҳида эътибор қаратади.

Мавжуд илмий манбаларни ўрганиш ва тахлил қилиш ш\ии кўрсатадики, аксарият олимлар туризм геофафиясини ц||1 (),иан янги ва уни рекреация географиясининг бир қисми шф.пида қарашга мойиллар. Дарҳақиқат, туристик фаолшп \ шк муддатли дам олиш, соғлиқни тиклаш каби рекреацион чим пдларга анча тўғри келади. (Мироненко, Твердохлебов, 1'Ж1, 6.11).

Г.Р.Асанов ТГ ва РГ га баҳо бериб, «Туризмнинг |\)|М1раб ўсиши география олдига янги вазифалар қўйди,

- \1 У1-Ш туристлар оқимлари қонуниятлар, туризм индустрияси (мгчмонхона, пансионатлар, хизмат соҳаси ва ҳ.к.) иқтисодий и п||).|фиянинг объекти бўлиб қолди. Табиийки, туризм нп||),|фияси фақат дам олиш учун қилинадиган сафарлар н ш|),|фиясигина эмас, балки умуман саёҳатлар, сафарлар |пнр.|фияси билан, жумладан, хизмат соҳаси ва табиатни мум>фаза қилиш билан боғлиқ кўпгана масалаларни ўз ичига ипши Шундай қилиб, ТГ си сафарлар географияси бўлиб, |гшр.1фиянинг янги тармоғидир. РГ предмети ХРТ лари >'|||>11инг таркиб топиши, ривожланиш қонуниятлар таркиби ва (иксимланиши ўрганишдан иборат бўлган география фани нричиждаги комплекс характердаги оралиқ фан», деб Гшмжайди (Асанов, 1990, 6.202-203).

Айни чоғда, Н.С.Мироненко, Б.Б.Родмон, И.В^Зорин |икрсацион районлаштиришда иқтисодий географик омилга иш,! л>тибор қаратади. В.С.ПреображенсКий ва Ю.Ведейинлар 1ш |уризмни ижтимоий-иқтисодий тадқиқ этишда аҳоли ипмшлгохдари, шаҳар ва шаҳар атрофи, урбанизация

◆ |||>.|снининг туризмни ривожлантиришдаги ўрнига аҳамият

••» (1Д11 А.Солиев фикрича, туризм географияси иқтисодий ва
ндшмой географиянинг янги тадқиқот йўналишларидан бири
<ЛийГ), мамлакат ва минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий
> .1 |1>\нятини белгиловчи муҳим омил бўлишини таъкидлайди.

\•■ ■ ш пайтда, географиянинг ушбу йўналиши кўп жиҳатдан
ишшарнинг бўш вақти, мамлакат ва минтақаларнинг н^шмой,
иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига боғлиқ. И1\мд.1Й қилиб, туризм
географияси кенг қамровли табиий ва !м шмой-иқтисодий географик
фанлар оралиғидаги нисбатан •пи м мрмоклардан бири бўлиб, у минтақа
ёки бирор ҳудуднинг

тарихий тараққиётидаги эришган ютуқлари, маданияи ҳамда] ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, хўжалигининг!

юксалишидаги ўрни ва ўзига хос ҳудудий хусусиятларини [ўрганади.

Туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида I қаралганда унинг тўртта асосий ҳудудий бўғинлари ёки босқичларини ажратиш мумкин: халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий туризм. Бу ерда биз учун энг аҳамиятлиси минтақавий туризм (МТ) ҳисобланади. Чунки, айнан на шу даражада туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун | ташкилий ва ҳуқуқий асослар мавжуд. МТ мамалакатнинг] маълум бир ҳудудида ўзининг маъмурий-бошқарув органи, инфратузилмаси мавжуд бўлган маконни англатади.

Бинобарин, олиб борилган тадқиқотда «МТ» тушунчасининг киритилиши ушбу фанни назарий жиҳатдан бойитди.

Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий геофафияда ҳудудий тизим ёки мажмуалар ғояси муҳим ўринни эгаллайди. Улар жумласига энг аввало Н.Н.Колосовский яратган (1947) ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) киради. Шунга мос ҳолда ТГ учун ҳудудий туристик мажмуа (ҲТМ) тушунчаси катта аҳамиятга эга. Бизнингча, **ҲТМ-маълум бир ҳудудда ягона инфратузилма асосида турли туристик объектларнинг ўзаро алоқадорликда ривожланиши ва уни бошқаришини англатади.** ҲТМ аввало В.С.Преображенский томонидан илгари сурилган ҳудудий туристик тизим (ҲРТ) билан чамбарчас боғлиқ. Аммо ҲТМ билан ҲРТ ўртасидаги тофовут кўпроқ уларнинг ҳудудий жиҳатдан қандай масштабни эгаллаши ётади. Айни пайтда биз таклиф этаётган ҲТМ тушунчаси ҲРТ дан фарқи ўлароқ кичик (локал) ҳудудни эгаллаши билан ажралиб туради ҳамда тизим таркиб қондасига мувофиқ кўпқатламли, поғонасимон бўлади.

Шу ўринда эътиборга олиш жоизки, ҳудудий рекреацион ёки

туристик тизимларнинг моҳияти ва таксономик бирликлари тўғрисида аниқ бир фикр мавжуд эмас. Масалан, Н.С.Мироненко ва И.Т.Твердохлебовлар (1981) ХРТ-ларни 5 та таксономик бирликка ажратишади: рекреацион зона (минтақа), рекреацион район (макрорайон), рекреацион «подрайон», рекреацион микрорайон ва рекреацион пункт. Худди шундай, Ю.Д.Дмитревский ҳам рекреация ёки туристик районларни 5 бўғиндан иборат деб кўрсатади: туристик рекреацион зона,

туристик макрораион, туристик мезорайон, туристик микрорайон ва туристик объект (Дмитревский, 2002, 6.103).

Бу олимлардан аввалроқ Е.А.Котляров қудудий туристик м.1Амуаларни 3 босқичга ажратган. 1) район даражасидаги рекреацион мажмуа, 2) рекреацион микрорайон ва 3) рекреацион ташкилот ёки корхона (Котляров, 1978, 6.9). Қўрамадагилардан кўриниб турибдики, бу ерда мажмуали (комплекс) ва тизимли (система) ёндошув уйғунлашиб кетган. Иккинчиси улар орасида катта фарқ бўлмасада, биз кичик ҳудудларга нисбатан туризмнинг ҳудудий ташкил қилиш шаклларида ХТМ сифатида қарашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда минтақавий туризм (МТ) ана шундай ҳудудий туристик мажмуалар бирикмасидан ташкил топганлиги.

МТ салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда мавжуд шакллардан самарали фойдаланиш учун турли масштабдаги айниқса кичик жойларда туристик объектлар ва улар билан боғлиқ бўлган инфраструктураларнинг ўзаро жойлашувида ХТМнинг аҳамияти ошади. ХТМ ҳолати моҳиятан қудудий туристик районлар ёки система тушунчаларига яқин чунки, иқтисоднинг асосида ҳам мажмуа ётади. Бироқ, ХТМ уларнинг ички ва ўрта муҳитларига мос келгани маълум. Чунки, ҳудудий муассамлашув самарадорлигига (агломерацион шакл, самарадорлик) фақат маълум шароитлардагина эришилади, м.1лмуа кўламини кенгайта самарадорлик пасаяди ёки йўқолади. Қарағайин, ХТМ ларни одатда бир соатлик пийда сайр қилиш лчпрасида ажратиш тўғрироқ бўлади. Бундай ёндошув умуман юрафия ва хусусан иқтисодий ва ижтимоий географиядаш малмуалик «комплекслик» тамойилидан келиб чиқади.

Айни вақтда туризмни мажмуа кўринишида ҳудудий 1.Ш1КИЛ этиш уни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда туристик маршрутларни тузишда аҳамиятлидир. Хусусан, ш.лар ичидаги турли маршрутлар, табиий рекреация ва дам оlish оромгоҳларидаги масканлар, экотуристтик маршрутлар ва иншоотларда биринчи навбатда ушбу туристик объектнинг

географик жойлашуви ҳамда транспорт ва турли хил инфратузилмаларнинг қай даражада бўлиши бевосита маршрутнинг самарадорлигини таъминлайди.

Туристик районлаштириш. Бошқа географик фанлар (География) туризм географиясида ҳам районлаштириш катта аҳамиятга эга. Бироқ, таъкидлаш лозимки, туристик ва уқуман

рекреацион раионлаштиришнинг назарии ва методик муаммолари узил-кесил ечилмаган. Айниқса ушбу районларнинг классификацияси ва типлари, уларнинг ҳудудий рекреацион (туристик) тизим ёки мажмуалар билан муносабати тўғрисида ягона келишилган илмий ғоялар йўқ. Айнан ана шу 1 масалани В.А.Котляров (1978), Н.С.Мироненко,]

И.И.Пирожник, И.Т.Твердохлебов (1989) ва бошқд олимлар] ҳам эътироф этишади.

Маълумки, иқтисодий географияда районлар энг аввало] икки шаклда ажратилади: интеграл (оралиқ) ва соҳавий] (тармоқ) районлар. Шунингдек, районлаштириладиган объект ҳудудий узлуксиз ёки дискрет, яъни ареал кўринишда бўлади. > Иккинчи шаклдаги районлаштириладиган ҳодиса ёки воқелик ҳудудниш айрим жойларида мавжуд бўлади, холос. Масалан,! туристик районлаштиришда табиий ландшафтларни жозибалиги] (аттрактивность) ҳисобга олинганда, турли районлар, жумладан:! чўл, тоғ, воҳа ва бошқа ландшафт районлари ажратилади ва] улар бутун мамлакатни қоплаб олади. Айни вақтда ижтимоий-1 маданий нуқтаи назардан туристик районлаштиришда белгиланган районлар ареал (азонал) кўринишда бўлади. I Чунки, археологик ёдгорликлар, архитектура ва шаҳарсозлик} объектлари, қадамжо ва бошқа туристик элементлар ҳудуднинг) факат айрим жойларида учрайди. Бинобарин, ана шундай! ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий объектларни туристик жиҳатдан районлаштириш анча қийинчиликлар] туғдиради (Гладский, Чистобаев, 2000). Туристик! районлаштириш соҳавий ёки тармоқ районлаштириш I гуркумига киради. Бундай районлар ҳам ҳудудий меҳнат] тақсимооти ва ҳудудий ихтисослашув асосида вужудга келади. Районни шакллантирувчи омиллар сифатида табиат] манзаралари (пейзаж, ландшафт), ижтимоий-иқтисодий,] маданий-тарихий объектлар ва туристик инфратузилма хизмат! қилади. Айрим олимлар фикрича, (масалан, Мироненко,! Пирожник, Твердохлебов, 1989)

худудий туристик тизим ёки! мажмуалар туристик районларга нисбатан
тор тушунчадир. Биз! ҳам айнан шу фикр тарафдоримиз. Зеро, ХТМлар,
юқорида! таъкидлаганимиздек, туристик районларнинг ичида шаклланади!
ва уларнинг қуйи поғоналарига мос келади.

Туристтик районларга ҳам интеграл районлар каби| маъмурий
иқтисодий бирликлар доирасида қараш маъқулрок,.! Чунки, бундай
миқёсда статистика масаласи, бошқарув]

м\1ммолари осонроқ ўз ечимини топади. Худци шу фикрни I Л Котляров (1978, 6.58), И.И.Пирожник (1985, 6.152) ҳам м.и.куллашган. Бинобарин, биз ушбу методологик асосларга мишан ҳолда ҳамда Ўзбекистонни мавжуд иқтисодий ||.ц|()|лар тўрини эътиборга олиб, мамлакатимиздаги туристик ф.кешятни қуйидаги тартибда районлаштиришни лозим мтдмк:

I Тошкент туристик райони (Тошкент вилояти); ¹ Мирзачўл туристик райони (Сирдарё ва Жиззах шшоятлари)

* Фарғона туристик райони (Наманган, Андижон, Фарғона шгюятлари);

I Зарафшон туристик райони (Самарқанд, Бухоро, Навоий, шшоятлари);

*> Жанубий туристик райони (Сурхондарё ва Қашқадарё им1|()ятлари);

(> Қуйи Амударё туристик райони (Хоразм вилояти, К.1рақалпоғистон Республикаси).

Қуйида биз ушбу районларга қисқача таъриф берамиз.

Тошкент туристик райони. Бу район Тошкент шаҳри ва 1п|цкент вилоятини бирлаштириб, республиканинг энг муҳим |урмсгикминтақаси ҳисобланади. Тошкент - республикаимизнинг 1ИЧ1МХТИ сифатида сайёҳдикнинг энг йирик марказларидан »ш|)1иир. Чунки, у транспорт тугуни сифатида (ҳаво, темир иу I. автомобил) муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Тошкент 1ш юятидага маҳаллий ва халқаро аҳамиятдаги сайёҳлик м,к канлари минтақанинг бу борада имкониячларининг иичоятда катталигидан далолат беради. Мазкур районда. мрпхий обидалар, табиий рекреация ресурслари, сув омборлар, и.||ч'иар ва шифобахш минерал сувлар, тоғ манзилгоҳлари м.ш/куд. Бу ерда Оқтош, Хумсон, Ғазалкент, Товоқсой, (пшдирсой, Чорбоғ, Чимён, Кумушкон, Сўқоқ, Оҳангарон, Чншобод, Эртош, Кўксарой, Қизилчи каби дам олиш ва 1.ИК)чаниш масканлари кишиларнинг мириқиб дам олиши

«пчц.1 соғлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Районнинг текислик ва адир қисмида ҳам экскурсия ц|ц.гкглари ва шифобахш масканлар жуда кўп. Бу ерда (нч.шика, Турон, Чинобод, Тошкент минерал суви, 8 март, Ки(>|)<1и, Бўстон, Зангги ота каби ўнлаб санатория ва курорт ■пп.шари жойлашган. Уларнинг хилма-хил касалликларга шифо |и ;шн1 имконияти мавжуд. Бу туристик районда туризм

инфратузилмаси бошқа районларга нисбатан анча юқори ривожланган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тоғолди минтақаларидаги туристик объектларда, меҳмонхона ва дам олиш уйларида сайёҳдарга хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкил этилган. Бу эса юқори даражада урбанизациялашган ҳудуд учун (Тошкент агломерацияси) айниқса муҳимдир.

Мирзачўл туристик райони. Мазкур район ўзининг табиий ландшафт ва қадимий сардобалари билан машҳур. Шунингдек, бу ерда ирригация шаҳобчалари, янги ўзлаштирилган ерлар, Сирдарё ИЭС кабилар ҳам туристик жиҳатдан эътиборга лойикдир. Зомин ва Бахмал тоғ ва тоғолди дам олиш минтақалари районнинг энг йирик табиий туристик масканидир. Жиззах вилоятининг Моргузор ва Туркистон тоғ тизмаларидаги табиий ва рекреация масканлари, Сангзор дареси ҳавзасининг ўзига хос ландшафтлари ушбу районнинг туристик бойлиги бўлиб ҳисобланади.

Фарғона туристик райони. Бу туристик район республикамизнинг энг сўлим, табиати гўзал масканлардан биридир. Уч вилоятни бирлаштирган (Фарғона, Андижон, Наманган) район қадимдан ривожланиб, кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчиликнинг энг йирик марказлари сифатида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг миллий ҳунармандчилик буюмлари жаҳон сайёҳдарининг эътиборини жалб қилиб келмокда. Шу ўринда, Марғилон ипаклари, шойилари ва дўппилари, Чуст пичоқчилиги, чармдўзлик ҳамда Риштон кулолчилик. маҳсулотлари кабилар жаҳон кўргазмаларида иштирок этиб келмокда. Туристик районда Мадрасаи Амир (XVIII аср), Худоёрхон саройи, миллий услубдаги наққошлик ва ганчкорлик нақшлари билан қурилган тарихий обидалар Қўқон, Риштон, Қува, Косонсой, Шаҳрихон ва Наманганда анча кенг тарқалган. Амир Кон, Чилустин ғорлари, Марғилоний, Ал-Фарғоний зиёратгоҳлари сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Ёзёвон чўллари Марказий Фарғонада сақланиб қолган ноёб чўл ландшафти туридир. Шунингдек, Ахси, Эски Поп, Тупроққалъа каби экотуристик обидалар ва район этнографияси, санъати, (аския, қизикчилик) маданияти, урф-одатлари (тўйлари, кураш мусобақалари ва ҳ.к.) ҳамда чойхоналари сайёхликнинг ўзига хос ўрганилмаган

+, и\атларидан биридир. Фарғона туристик районидаги Лпдижон, Асака, Поп, Қўқон, Марғилон, Шахрихон, Чуст ва (шшқа шаҳарлардаги миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос |у|>иари минтақа туристик салоҳиятини янада оширади. Ёуиарнинг барчасини туризмни ривожлантириш мақсадида ||||мнй жиҳатидан ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда водийда 55 га яқин ноёб табиий |урнстик объектлар ҳисобга олинган. Рекреация ва дам олиш м.кканларидан Чортоқ, Чимён, Шохимардон, Водил, Бобур (|пш каби объектлар районнинг дам олиш, соғломлаштириш, |,мшшув, диний, спорт ва бошқа туристик хусусиятларини му*.»ссамлаштиради. Наманган вилоятидаги Чортоқ, Гулшан 1,1м олиш ва даволаниш сиҳатгоҳлари, Балиққўл, Нанай, Гова, Мшшоно Лутфилло, Парда Турсун каби дам олиш масканлари |ц| зиёратгоҳлари, Андижон вилоятидаги Боғишамол, Ширмонбулоқ, Хонобод, Дилкушод дам олиш масканлари, Кумйба ибн Муслим, Имом ота, Қамбар ота ва бошқа диний ни-р.птоҳлар туризмда ниҳоятда аҳамиятлидир

Водийда 50 дан ортиқ минерал сув булоқлари мавжуд. Чпрюғ минерал суви 1946 йилда очилган бўлиб, сув 1000-3000 м чуқурликдан 43-47 градус иссиқликда отилиб чиқади. Чортоғ «пм | олиш масканида полиартрит, меъда-ичак, хотин-қизлар м< .шликлари, тери хасталиги ва бошқа касалликлар ||пИ1>,1анади. Бундан ташқари, Чимён, Шаҳимардон, Водил каби иуипаб рекреация ва дам олиш объектлари, гўзал серманзара 1П11И,1р районнинг туристик имкониятини янада оширади |Ну|)матов, Исломов, Чориева, 2002, 6.103-105). Ҳозирги ||||пд<1 ушбу районда маҳаллий сайёҳлик ниҳоятда фаол бўлиб, 'п Л1лик сайёҳларни қабул қилиш ва уларни жалб қилиш йич.1 паст даражада. Чунки, минтақа туристик жиҳатдан кенг иуч.1мли ўрганилмаган ва туристик инфратузилманинг пастлиги »| 'мжакда илмий тадқиқотлар, изланишлар асосида таклиф ва Н1||п\;шар яратишни талаб этади.

Ўзбекистоннинг энг муҳим туристик райони. Самарқанд

Ўзбекистоннинг энг муҳим туристик райони Самарқанд шаҳаридир. Бу туристик район тарихий ва маданият маркази ҳисобланади. Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидалар, архитектура, ҳунармандчилик «Ўзбекистоннинг энг муҳим туристик райони» сифатида машҳурдир. Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидалар, архитектура, ҳунармандчилик «Ўзбекистоннинг энг муҳим туристик райони» сифатида машҳурдир.

Зарафшон туристик райони халқаро туризмнинг Маркази^ Осиёдаги муҳим бўғини сифатида ўз салоҳиятига эгадир. жиҳатдан бежизга «Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухор исломи қуввати дини аст» деб айтишмаган. Самарқаб дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлиб, очик музсЯ ҳисобланади. Унинг асрлар давомида сакланиб келаётга(тарихий туристик объектлари дунё сайёхларини ўзига чорлав келмокда. Шаҳарнинг эрамиздан олдинги даврлардан бошлаб Х1У-ХУ аср ва ундан кейинги тарихий, маданий ёдгорликлар| диққатга сазовордир, Қадимий Афросиёб, Шоҳи-Зинда Бибихоним мадрасаси, Регистон майдони, Гўри Амив мақбараси, Имом Ал-Бухорий, ♦ Ал Мотрудий, Хўжа Ахрор^ Вали ва темурийлар томонидан қурилган кўплаб мақбарала^ муҳим туристик объект сифатида қаралади. Бироқ таъкидлац жоизки, туристик аҳамиятга эга бўлган нодир гўшалари ВЦ хилма-хил табиий туристик объектлардан ҳозирги куь имконият даражасида фойдаланилмаяпти. Бинобарин, имкониятлардан туризм соҳасида тўлалигича фойдаланилсц ниҳоятда катта иқтисодий самарага эришишга шубҳа йўқ.

Мазкур туристик районнинг яна бир энг муҳим туристик маркази сифатида Бухоро вилояти, хусусан, Бухоройи Шарис] бой тарихий туристик объектларга эгалиги билан жақонг машҳур. У ислом оламининг муқаддас шаҳарларидан биридир| Бухоро вилояти ва зиёратгохл шаҳарнинг ўзида 140 дан ортиқ тарихи* обидалар ани впап сакданган. Айниқса, Исмоил Сомоний мақбараси (9* 10 аср), Сайфуддин Бухорий (13 аср), Пойи-Калон ансамбли^ Қуш мадрасаси, Лаби-ҳовуз (12-13 асрлар), Абдухоли» Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий ичида энг ноёб тарихий ва диний ҳисобланади. Ўзбекистонда Бухоро хунармандчилик (зардўзлик, каштачилик, кулолчилик ва х.к.| мактабига эгадир. Бухоро вилоятидаги Ситораи-Мохи-Хоса Абу Али Ибн Сино номли шифохоналари республика аҳамиятидаги соғломлаштириш

ва дам оладиган жойлардан! биридир. Бундан ташқари, минтақа чўл
экотуристик салоҳияти| жиҳатидан қам республикада ўзига хос мавқега
эга.

Районнинг Навоий вилояти республика вилоятлари ичида! ҳудудий
жиҳатдан энг катта бўлиб, унда юзлаб маданий,! тарихий ва табиийГ!
туристик объектлар мавжуд. Хусусан,! минтақадаги Нурота,
Маликрабод, Косимшайх тарихий! ■^иёратгоҳлари диний сайёҳдикда
аҳамиятлидир. Шунингдек,|

ВН-1ИЧ1 \удудидан «Буюк Ипак йўли»нинг кесиб ўтганлиги
нн1 м*,ида ўнлаб қадимий сардобаларнинг мавжудлиги ҳам
»У|"мда муҳимдир. Бундан ташқари, вилоятда «селитеб» ■1нн
ии.|ф|лар, жумладан, қадимий шаҳар ва қалъа харобалари, в|1чс1>1|ошк
обидалар, табиий экотуристтик жойлар ҳозирги № > ш •« мдар
туризм мақсадида фойдаланилмаган. Айниқса, Кни|||кумнинг гўзал
табиати, Нуротанинг тарихий зиёратгоҳ ва Й»чм> 1цри ҳамда
замонавий Навоий шаҳрининг шаҳарсозлиги *11пи,1к,1да маҳаллий ва
халқаро сайёҳликни ривожлантиришда ».ц м ,|\.1мият'га эга.

Жанубий туристик райони. Ушбу туристик район |н!Н11ш
тарихий ва табиий рекреация имкониятлари

- Шйшд.ш бошқа туристик районлардан ажралиб
туради.

К|(1ик.|д<1рс вилоятининг бетакрор табиати, Амир Темур

н Оқсарой ансамбли, кўплаб диний зиёратгоҳ ва ёдгорликлар,
миллий анъана ва удумлари, тўй ва Мй|ни нмлари минтақада
туризмнинг кўплаб турларини ташкил «Iши н.1 ривожлантириш
имконини яратади. Айни пайтда у ЙН1пи чсгарадош Сурхондарё
воҳаси ўзининг минг йиллик 1й|И1\м на муқаддас кадамжолари,
табиий шароити ва ўзига хос Мньропклнми сайёҳликни
ривожлантиришда аҳамиятлидир. Бу *||'1н яшаб ижод этган буюк
сиймолардан Ат-Термизий •Н('|>|Ц|()\\и, юзлаб тарихий
обидалар, архитектура Р(1М«I»шк.иари, жумладан, эрамиздан
олдинги шаҳар ва қалъалар «йриСмнарининг халқаро туризмдаги ўрни
ниҳоятда муҳимдир. Ипипида табиий гўзал ва ўзига хос табиати,
рельефи П|ш 1МИ11НГ турли йўналишларини ривожлантириш
имконини йициши Лпникса, Хисор тоғининг гўзал манзараси ва
ундаги Цц|.|Г> шифобахш булоқ ва чашмалар аҳолининг ишдан бўш
■нк |||.1|шда мириқиб дам олиши ва саломатлигини тиклашга

- |пм,м килади. Шунингдек, бу ерда яшаётган халқнинг

узоқ

ИМИП анъаналари, санъати, маданияти ва урф-одатлари, минчппп! ҳамда жахон сайёхларини қизиқтириши |н\|\,к1пдир. А. Рўзиев таърифи билан айтганда, «бу ҳудуд П|И11М 1Ч)асида очилмаган қўриқ бўлиб, туристик бойликлари «н н1 к.ипф этилмаган» (Рўзиев, 1996).

Қуйи Амударё туристик райони ҳам улкан туристик иипшияшарга эга бўлиб, у ўзининг маданий, тарихий ■ 41.Ц 1.1 мри, археологик ёдгорликлари, хунармандчилиги ҳамда . ■нм.пишшг ўзига хослиги, табиати ва бошқалари билан ■м |м 1мГ> |уради. Хоразм воҳаси қадимий маданият, илму фан

ва санъати билан жаҳон сайёҳларини ҳайратга солиб келади. ■ Шу ўринда Хива дунёда ҳеч бир жойда учрамайдиган мажмуали ва кўп тармокли очик музей шаҳар сифатида машҳурлигини таъкидлаш жоиз. Бийобарин, юртимизга ташриф буюрган ҳар бир чет эллик сайёҳ бу афсонавий саналмиш шаҳарни томоша қилишга қизиқади. Шунингдек, Қорақалпоғистон дунё миқёсида экотуризмнинг ўзига хос жиҳатларини мужассамлаштирган туристик район ҳисобланади. Шу боис, минтақани чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бу минтақада йирик шаҳар ва қўрғонларининг мавжудлиги туристик районда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Хусусан, қадимий шаҳар ва қалъа харобаларини сайёҳлик йўналишларига киритиш мумкин. Орол денгизи ва унинг фожиасини ҳар бир сайёҳ ўз кўзи билан кўргиси келади. Шу жиҳатдан Оролбуйи ҳамда Орол денгизи бўйлаб туристик маршрутларни хенгайтириш лозим. Аммо ҳозирги кунда мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш паст даражада.

Республика минтақаларининг туризм имкониятларини тадқиқ қилиш билан биргаликда барча районларда жаҳон андозалари асосида туризм инфратузилмаси ва бозорини шакллантириш лозим. Шу билан бирга кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, фирма ва корхоналар ўртасида соф иқтисодий рақобатни юзага келтириш, шунингдек, туризм соҳасини мукамал эгаллаган малакали турли кадрларни тайёрлаш минтақаларнинг туризм муаммоларини ҳал этиш ва келажакда мазкур соҳани иқтисодиётнинг устувор гармоғига айлантиришга хизмат қилади. Бинобарин, республиканинг ҳар бир вилоятидаги ўзига хос туристик объектларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистонни туризм ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишига имкон беради.

2-БОБ. САМАРҚАВД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Вилоятда туризмнинг ривожланиш ресурслари ва имкониятлари

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган нушб, маркази Самарқанд шаҳридир. Унинг ер майдони 16,77 МП111 кв.км.ни ташкил этади. Вилоят аҳолиси 2670,3 минг мшш (2002 й). Маъмурий жиқатдан Самарқанд вилояти 14 та I ум.1Н, 12 шаҳар ва шаҳарча ҳамда 1932 та қишлоқлардан и)орат.

Географик_ ўрни. Самарқанд вилояти ҳудудий *.онлашувига кўра, Ўзбекистон Республикасининг марказида, (лрлфшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган. Вилоят +..|цубдан Қашқадарё, шимолдан Навоий, шимоли-шарқдан /Кшзах вилоятлари, жацубй-шарқдан Тожикистон

1\<_публикаси билан чегараланган. Самарқанд вилоятининг ьуидай географик ўрни туризмни ривожлантиришга қулай пмконият яратади. Самарқанднинг қадимдан «Буюк Ипак Иули» нинг тугунида жойлашганлиги унинг иқтисодий ва н/кшмоий ривожланишига замин яратганлиги тарихдан члклумдир. Ҳозирги пайтда ҳам бу ерни маҳаллий ва халқаро •ппомобил, темир йўл ҳамда ҳаво йўлларининг кесиб ўтганлиги |уризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил (~>уииб хизмат қилади.

Вилоят маркази - Самарқанд Зарафшон дарёси чап юқида жойлашган, у дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан (шридир. Самарқанднинг кўп асрлик тарихи давомида н.шроналарга айлантирилиши, янгидан қайта тикланиши, |уркираб ўсиши ва ривожланишига унинг иқтисодий географик урнининг қулайлиги катта аҳамият таъсир кўрсатган (Акрамов, 1⁶)69). Шунингдек, шаҳарда маданият, санъат, фан, савдо-сотик. и.| ҳунармандчиликнинг ривож топиши ҳамда

тарихий ва мсьморий обидаларнинг вужудга келиши (шаҳарда 30 дан оршқ ноёб тарихий-меъморий обидалар мавжуд) қам бевосита упинг иқтисодий географик ўрнининг ниқоятда қулай бўлганлигидан далолат беради. Минтақа туризмини ташкил >1 пш ва ривожлантиришда кўплаб табиий, ижтимоий-

иқтисодий ва сиёсий омиллар муҳим ўрин тутди. Шу нукта назардан халқаро . туризмни ривожлантириш учун замонавк аэропорт, йўллар, савдо шаҳобчалари, маданий дам *отий* уйлари, шаҳар ёдгорликларининг яхши сақланганли[^] аҳамиятлидир. Бундан ташқари, туризм билан боғлқ иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат тармок/шрй хусусан озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқалар ҳам бу соҳан| ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатади (Комилова, 2001).

Ҳозирги кунда замонавий туризм халқаро алоқа тизим! (интернет), турли хизматларнинг яратилишини тақозо этадк Айни пайтда сайёҳ учун нафақат тарихий, архитектур обидалари колаверса табиий, диний, этнографик ва бош* объектлар ҳам зарурдир. Шундан келиб чиққан ҳолда туризмн[^] ташхил этиш ва ривожлантиришга қатор омиллар таъсирин! аниклаш мумкин. Бу борада хусусан икки йирик, яъни таби! ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар етакчи аҳамият касв этади.

Табиий шароитШл Туризмни ташкил этиш, туристи[^] маршрутлар, экскурсияларни уюштириш аввало қулай табиий шароитнинг мавжудлигини талаб қилади. Чунки, ўзига хс рельеф, иклим ва турли-туман экзотик ландшафт машаралар|| кишиларни ўзига тортади. Самарқанд вилояти табиий ва иклимий шароити республиканинг бошқа вилоятларип| нисбатан анча қулай бўлганлиги сабабли ўлкада қадимдаъ аҳоли манзилгохлари вужудга келган, маҳаллий халқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби соҳалар билаъ шуғулланган. Самарқанд дунё цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида, дунёвий ва диний билимлар, маънавият-маърифат ва маданияг маркази бўлиши билан биргаликда, ўзининг ҳавоси, иклими ва гўзал табииоти билан ажралиб туради.

Самарқанд вилоятининг табиий шароити, ер усти! тузилиши, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонларини! тоғ ва тоғолди текисликларидан иборатлиги ҳам туризмда! аҳамиятлидир. Вилоят

шимолда Нурота тоғлари (Оқтоғ,! Қоратоғ, Ғўбдин), жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари! (Чақилкалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ, ва ҳ.к.) билан! чегараланади. Минтақа рельефи, умуман олганда, уни ишлаб) чиқариш кучларини жойлаштириш, саноат ва қишлоқ| хўжалиш маҳсулотларини етиштириш учун қулайдир.

Зарафшон воҳасининг ўрта қисмини Самарқанд чўкмаси! ишғол қилган бўлиб, шимол ва жануб гомонлардан ўрта}

Г

ми мига томон қияланиб, шаркдан ғарбга 800-350 метргача 11.И .шиб боради. Унинг марказий қисмини Зарафшон дарёси и-1 мС> ўтиб, уни бир нечта терассаларга ажратади. Вилоят + ,шуГ)идаги Зарафшон тоғи полеозойнинг оҳактош, Гйпс ва ► 1>мс1;шли сланецларидан иборат. Бу тоғ тизмаси вилоят ч\ |удида Чақилкалон ва Қоратепа (энг баланд нуқтаси 2204 м) ммилрини ҳосил қилади ва ғарбга томон текисланиб, Жом ■|\ 1ш а туташади (Умаров, Ашуров, Саидмуродов, 1980). Бу чишлқдца табиий туристик объектлардан ғорлар, нураш н.н мласида ҳосил бўлган шакллар ва бошқа экзотик ириишдаги табиий обидалар вужудга келган. Вилоят шимопидаги Нурота тоғ тизмалари (2165 м) эса Оқтов, Кпр.пов, Ғўбдин каби ўрта ва паст тоғларни ташкил этади. Бу .|ч н 1»1 рельеф системасида ўзига хос табиий ва ландшафт *\\1 \ч'иятлари рекреация ресурсларининг вужудга келишига 1.||>.|Г) бўлган. Жумладан, текислик қисми Зарафшон дарёси

- нмшларида (аҳоли манзилгоҳлари, деҳқончилик, қисман чирилчнлик) ҳамда Жом ва Карноб чўлларида кдцимдан . .пилиикнинг кўпгина турларини ташкил этиш мумкин.

Минтақа тоғли ва текислик қисмларидаги ёғин ва н> I икликнинг тақсимланиши бирмунча ўзгарувчандир. I ,1м,1рканд метерологик маркази маълумотига кўра, йил бўйи »\пмпинг ёритилиши 2877 соатга тенг бўлиб, унинг 70 фоизи ч.ш оиидан октябргача тўғри келади ва ўртача ҳар бир см.кв. ч.шцоша 181 ккал. қуёш радиацияси тушади. Бу вилоятда ■и м\<>ичиликнинг ўзига хос турларини етиштириш нмкппиятини туғдиради. Вилоятнинг тоғли ва текислик иин1.1қ,аларида ёғин турлича: ғарбий қисмида 300-450 мм., |||||>кн)| ва жануби-шарқий қисмларида ўртача 650-850 мм га

•(1.1П Қиш фасли юмшоқ келиши билан бирга айрим йиплари 1П1ПК кунлар узлуксиз давом этади ва текислик қисмида мутлоқ чинимум (Қўшробот туманида 1975 й.) -30°C . га етади. Ииюшда энг совуқ январ ойининг ўртача ҳарорати 0°C .дан - 'Г'*' пп ташкил этади. Ез ойи иссиқ ва жазирама, июлнинг \м.'1.(\арорати $+25, +26^{\circ}\text{C}$ кузатилади (Умаров, Ашуров, I ПП 1муродов, 1980). Вилоятга асосан йил давомида шимоли- иь1|1к юмондан шамол эсиб туради. Бинобарин, Самарқанд •ПП н.я|и иклимининг ўзига хослиги унинг ба\ор ва ёз ойларида ■ПП1.ч М1И1 сайёҳликш^ ташкил этиш ва ривожлантиришда •|>\пм омил ҳисобланади. Айни вақтда бу ерга ёз ойлари,

хусусан июл-август ва нисбатан совук мамлакатлард келадиган сайёҳлар учун шароит унча қулай эмас.

Минтақанинг «қон» томири, тарихий географик «ў* Зарафшон дарёси ҳисобланади (А.Солиев ибораси). У муз қордан тўйиниб, ҳудуд аҳолисини ҳамда барча халқ хўжали тармоқдарини сув билан таъминловчи асосий манбади| Зарафшон дарёси қадимий туристик объектларга бой яхлк ҳудудий туристик мажмуа ҳисобланади. Самарқанд вилоятини| гидрологик ёдгорликлари, жумладан, тоғ этаклари ва оралиғи сойларида табиий равишда ҳосил бўлган таби^ манзаралари, яъни, тоғ шакллари, чуқурликлар, ғорла^ булоқлар, чашма сувлари ва ҳоказолар минтақа туризм имкониятларини оширадй. Шунингдек, вилоятдаги мавж) шифобахш ва тиббиёт ҳамда бошқа соҳаларда кек фойдаланиладиган булоқ, чашма сувлари ва балчиқлар аҳол| соғлигани тиклаш, соғломлаштириш ва дам олиш учун қула шароит яратади. Ўз ўрнида улар рекреация туризмининг аҳамиятини ҳам кенгайтиради. Бундай масканлар вилоятни* Ургут, Самарқанд, Нуробод ва бошқа туманлари тоғ ва тоғолл ҳудудларида мавжуд бўлиб, улардан туризм мақсадвд фойдаланиш имкониятлари юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг гўзал табиата ўсимлик дунёси билан бошқа республикалардан ажраль туради. Мамалакатимизга ташриф буюрадиган сайёҳларн!| қадИмий ёдгорликлардан ташқари минг йиллик тарихш| эслатувчи дарахтлар бисёрдир. Шу боис, улардан туризм нуктаи назаридан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқди}: Бунинг учун минтақа «яшил бойлиги»ни географик жиҳатда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд вилоятининг суғорилмайдиган, ҳайдалмайдиган тоғ ва тоғолди текислик| шунингдек, чўл ҳудудларида ҳар хил ўсимликлар кенй тарқалган. Булар ичида энг кўп тарқалганлари эфимер^ эфимероидлар ва вегетация даври қисқа давом этадигаъ

динининг шу жойда пайдо бўлганлиги ва у Хитой, Корея ва Японияга тарқалганлигини исботлашди. Шунинг учун будда динига эътиқод қилувчи сайёҳлар бу жойга муқаддас қадамжо, шёратгоҳ сифатида #ташриф буюрувчилар сони кўпаймокда. Бундай шаҳар харобалари бошқа минтақаларда қам бисёр бўлиб, улар диний туризмни ривожлантириш учун катта аҳамият тўғдиради. Шунга ўхшаш топилмалардан туризмни

юксалтириш мақсадида самарали фойдаланиш ва сайёҳлр хизматини яхши йўлга қўйиш Ўзбекистон туризмнинг муҳим] муаммоларидан биридир.

Самарқандни азш, муқаддас, авлиёлар ва буюк инеонлар! абадий қўним топган жой рамзида эъзозлашади. Халқимиз улуг| дин уламолари, буюк кишилар, авлиёлар қабристонларни! зиёрат этиш, ўтганлар руhini шод этиш мақсадида Самарқанд! шаҳри ва унинг туманларидаги зиёратгоҳларга ташриф] буюришади ва катта маънавий энергия, озуқа олишади. [Бинобарин, Самарқандда диний туризмни ривожлантириш учун Шоҳи-зинда, Ҳазрати Хизр, Рухобод, Амир Темур, Имом \ Бухорий, Мотрудий, Ҳазра/и Довуд, Чорчинор ва бошқа | қўплаб зиёратгоҳ, қадамжойлар мавжуд бўлиб, улар; сайёҳликни юксалтиришга катта имконият яратади. Бундан ташқари, Зарафшон дарёсида қурилган қадимий тўғон, яъни Роботхўжа сув айирғичи (Туятортар ва Дарғом каналлари ажралиб чиладиган жон) ва у ердаги музей ҳам сайёҳларни қизиқтириши шубҳасиз.

Мутахассислар изланишлари шуни кўрсагадики, Самарқанддаги қабристонларнинг 28 таси қақида маълумотлар тўла ўрганилган. Самарқанд ҳудудида IX-XI асрга оид Шоҳи-зинда, Ҳазрати Хизир, Чокардиза, XII-XIII асрга тааллуқли Хўжа Гулом, Хўжа Абди-Дарун, Хўжа Абди-Берун, Султон Ховондбика (ишратхона), Хўжа Ахрори Вали, Хўжа Муҳаммад Сангирасон, Кутби Чоҳардахум қабристонлари, хилхона ва мақбараларнинг кўпчилиги сулолавий ва муайян бир авлод хотирасига бағишлаб барпо этилган. XIV-XV асрлар давомида Себзор, Панжоб, Сарви ёғоч, Севалиато, Боғишамол, Хўжа Юсуф, Янги Равот зиёратгоҳлари юзага келди. XVI асрда яҳудий (иудаизм) ва христиан динлари урф одатлари бўйича (Бухоро яҳудийлари, Овропача (Европейский), Биродарлик (Братское) қабристонлари пайдо бўлди (Абрамов, 1995). Бу бевосита, аҳоли миллий таркибининг бирмунча

ўзгариб бориши натижасида пайдо бўлди. Биз ўтказган туристнк сўровномалардан *маълум* бўлдики, Самарқандга ташриф буюрган маҳаллий сайёҳларнинг аксарият қисми диний қадамжоларни зиёрат қилишни ёки бу ҳақда кенгрох маълумот олиш учун имкониятлар яратилишии хохлашмоқда¹.

' СоЦИОЛОШК ТЛЛКПКО1 <-
 \)бсКТ}рНШ» М1П7иш Г)у
 ^ОЛЕГМНИЯСИ СаМарКаНД П1М
 ВИЛОЯТИ МИНТ б|П<!Н П
 Ч^МКОр^МКЛа МЛМ-\С Ч.1СТ\r
 (\.1ШСЛНОМа) <1СОСПЛс1
 бсВОСПТ^ М\аЛ11|ф ТОМОНИ 1

Унла турлм еш ва касбдаш \.ф ип
 мичгк1Т вампшаон кагнаииан

Самарқанд вилоятида диний туризм салоҳиятининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда мавжуд зиёратгоҳларни туристик маршрутларга киритиш вилоят туризмнинг муҳим масалаларидан биридир. Шунинг учун уларни туризм нуқтаи назаридан илмий тадқиқ, этиш, сайёҳларга аниқ ва равион кўрсатмалар берувчи материаллар яратиш, хариталаштириш чозимдир.

Кишилар саёҳат давомида бошқа минтақалар, давлатлар, шаҳарлар тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, гўзал лабиати «билан биргаликда шу жойда яшайдиган аҳолининг гурмуш тарзини, урф-одат ва анъаналарини кўришни, яъни лнографик туризмни ҳам жуда исташади. Бинобарин, саёҳат инсон тафаккурини кенгайтириб, дунёни теран англашга, бошқа халқларни билишга, ўргантша хизмат қилади, сиёсий жиҳатдан кишиларни бир бирига яқинлаштиради. Бу, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги пқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омилдир. Ўрта Осиё чалклари бой маънавий тарихга, ўзига хос миллий урф-одатларга ва маданштига эга. Айниқса Ўзбекистоннинг салоҳияти, аҳолисининг қадимдан сақдаб келаётган

анъаналари, удумлари, тўй-томошалари бошқа халқларни қизиқтириб келмокда.

Собиқ шўролар даврида руслашиш жараёни барча жабхдпар сингари кишиларнинг турмуш тарзини, маънавиятини ҳам четлаб ўтмади. Республпка^мизнинг мустақилликка зришиши натижасида миллий, маънавий ўзлигини англаш, (гўқолиб бораётган урф-одатларимизга эътиборни кучайтириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Шу ўринда маҳаллалар фаолиятини жамиятнинг кичик ҳудудий ячайкаси даражасида кенгайтириш, уларда яшайдиган аҳолининг миллий анъаналари, жумладан, қишлоқлардаги кўпқари, кураш ва бошқа ўйинлар, наврўз байрамлари, қурбон хайитлари, хотира кунларини

ўтказиш, шаҳар ва қишлоқларда миллий \унармандчиликка эътиборни кучайтириш, бевбсита этнографик туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизнинг1 ҳар бир вилояти ва гуманларида ўзига хос миллий анъаналар мавжуд бўлиб, улар чет эллик сайёҳларини қизиқтириб келади.

Маълумки, 2003 йил республикамізда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган. Маҳаллалар шақар ва шаҳар ҳаётининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Улар азалдан

жамиятни бошқариш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш | ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган. Ҳозирги] кунда ҳам маҳаллалар давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга] оширишда катта мавқега эга. Бундай йжтимоий ҳудудий мажмуалар жаҳоннинг бирор давлатида шаклланган эмас. Чунки, маҳалланинг ўзига хос миллий, анъанавий хусусиятлари мавжуд, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Айни вақтда республиканинг бой маънавий мероси бўлган маҳаллааар халқаро сайёҳликни ривожлантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Самарқанд шаҳрининг тарихий ривожланишида маҳаллалар (гузарлар) маъмурий бошқарув органи ҳамда ишлаб чиқаришнинг жойлашувида ўз*ифодасини топган. Абрамовнинг фикрича, Самарқанд шаҳрида маҳаллаларнинг ташкил топиши турли даврларда, жумладан, биринчи маҳалланинг тўла шаклланиши Сомонийлар (1X-X асрлар) ва Қорахонийлар (XI аср) даврига тўғри келади. Айниқса, ХУ-ХУ1 асрларда маҳалалар сони кўпайган ва ривожланган. Бу даврда Мирзо Пўлоди, Қози-калон, Кўк- масжид, Қош-ҳовуз, Маҳтуми хоразми, Мадрасаи-сафед, Хўжа нисбатдор, Ҳавзи-сангин, Гўри Амир, Оқсарой, ХУ1-ХУН асрда эса Мотрудий, Зардўзон, Кулолон, Ялангбек, Боғи-майдон ва бошқа маҳаллалар пайдо бўлган. XVIII асрда уларнинг сони 24 та, XIX аср бошларида 60 дан ортиқ, шу аср охирига келиб 96 тага етган. Ҳозирги пайтда шаҳарда 240 дан ортиқ маҳаллалар бор (Абрамов, 1989, 1995).

Маҳаллаларнинг топонимик номланишини қам таҳлил қилинганда уларнинг географик жойлашуви, аҳолининг бошқа ҳудудлардан келиб ўрнашиши, тарихи, ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш ихтисослашувидан келиб чиққанлигини кўриш мумкин. Масалан, жой номлари билан боғлиқ Тошкент, Хўжанди, Ургутий, Бухорий, Кўқонди, Шахрисабзи, Даҳбеди, Ѓиждувоний, Хавосий, Зоминий, Еминий; ҳунармандчилик маҳаллалари, Кулолон-кулолчилар, Сузангарон-

игначилар, Чармгарон-кўнчилар, Заргарон- заргарлар; сув билан боғлиқ Оби-машҳад (Машҳад суви), Қўшховуз (икки ховуз), Хавзи-сангин (тошховуз), Ҳавзи-баланд (Баланд хавуз), Чашма; боғларга доир Боғимайдон, Боғибаланд, Боғишамол, Қўшчинор, Коварзор, Лолазор, Олмазор каби; қабристон, зиёратгоҳ жойлар билан боғлиқ Гўри Амир, Мадрасай-сафед, Рухобод, Кўк масжид, Мотрудий; энтик хусусиятларига кўра

Эроний, Арабхона, Жўғихона, Яхудий, Қашғарий ва бошқалар мрихан шаклланган.

Шундай қилиб, шаҳар маҳаллалари ва улардаги масжидлар, чойхоналар, нонвойхоналар, миллий

чуиармандчилик, жумладан, ганчкорлик, зардўзлик (сўзана, тўн, клштачилик), ёғоч ўймакорлиги, бешик яшаш, гилам тўқиш мрихий ҳамда туристик аҳамиятга эгадир.

Ўтказган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Франция, Бельгия, Италия давлатларидан келган сайёҳлар (амарқанд. шахридаги қадимий гўшаларда, маҳалла •юпхоналари ва масжидларида (Ургутий, Ёминий, Сўзангарон, 1.(бн-ғор ва ҳ.к) бўлишиб, уларнинг яшаш шароити, урф-адатлари, тўй-томошалари, ҳунармандчилиги билан мнишганлари сайёҳларда катта қизиқиш уйғотганлигини Гшлдиришади. Бинобарин, айтиш жоизки, вилоятда этнофафик |уризмни юксалтириш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, > 1арни туристик маршрутларга киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, вилоят туманларидаги шаҳар ва кишлокларнинг ўзига хос миллий анъаналари, удумлари \ам лнографик туризмни юксалтириш учун катта замин яратади. 1 лбпат улкан, ажойиб ва ғаройиб лабараториядир, у асрлар давомида шаклланиб, ўз қонунияти асосида ривожланиб Гюриди. Инсон уни идрок этишга, ёввойи табиатни ўрганиш ва қуришни истайди. Шунинг учун кишилар дунёнинг турли минтақаларига табиий ёдгорликлар билан танишиш мақсадида ^котуристтик саёҳат қилишади.

Республика Президентининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Фармонида табиат ю.монидан яратилган ноёб ёдгорликларни сақлаш ва улардан |уризм, тиббиёт ва бошқа мақсадларда оқилона фойдаланиш \ам назарда тутилган. Ўзбекистонда табиат инъом этган мпнглаб табиий обидалар ва ёдгорликлар мавжуд бўлиб, у шрнинг сайёҳликнинг турли йўналишлари, айниқса,

жслуризмни ривожлантиришда ақамияти катта.

Мамлакатимизда тоғ ўрмонлар майдони 301 минг гектар бўлиб, Ўрта Осиё ўрмонларининг 21 фоизини ташкил этади (Жумаев, 1989). Тоғларнинг туристик имкониятидан фойдаланишда фанспорт омилининг ўроли бекиёс. Шу ўринда тоғ ҳудудларида ўктуристик ландшафтлардан фойдаланиб, туризмни ривожлантиришнинг муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Самарқанднинг сўлим боғлари, мусаффе
\авоси, шифобахш сувлари, мафтункор табиати қадимда
кишиларни ўзига жалб қилиб келган. Унинг Ургут, Оҳалик.1
Вўбдин тоғлари бўйлаб саёхат қилганлар табиатниш-
мўъжизаларига яна бир бор иқрор бўладилар. Лекин улардан!
хрзирги пайтда туризм мақсадида тўлалигича]

фойдаланилмаяпти. Зарафтон тоғларидаги Омонқўтон маскани!
(Ургут тумани, Самарқанд шаҳридан 45-50 км), Юқори]
Чмнорлар (Ургут тумани, Самарқанд шаҳридан 40-45 км.),| Оҳалик
худуди (Самарқанд тумани), Қоратепа сув омбори, Миронкул
(Самарқанд тумани, шаҳардан 18 км), Равотхўжа (Ургут тумани,
вилоят марйазидан 50 км), Зарафшон дарёси 1 дам олиш зонаси,
Самарқанд денгизи (Хишрав сув омбори) ва: бошқалар вилоятнинг энг
муҳим рекреация ва дам олиш масканларидан ҳисобланади
(Маматқулов, 1985). Келажакда ИКК1-Г дарё оралиғи - Миёнқални
ҳам рекреация ва туризм нуқтаи назардан ривожлантириш мумкин.
Омонқўтондаги оромгоҳлар кўплаб ўқувчи ёшлар ва гатабаларнинг дам
олиш масканларидир. Шунингдек, бу ерда ҳар-хил ёшдаги сайёҳлар
мавсумий ва қисқа муддатли (бир кунлик) дам оладилар. Бу жойнинг
ўзига хос иклими, ўсимлик дунёси, табиатининг мафтункорлиги
хшша-хмл туристик маршрутлар уюштириш имкониятларини
туғдиради. Ургут шнҳридаги чинорлар, СКюнқўтондаги
ўрмонзорлар, Зарафшон қўриқхонаси ва ундаги тўқайзорлардаги
ўсимлик дунёси сайёҳларнинг мириқиб дам олиши ва улардан
завкланишини таъминлайди Бу ердаги чинорлар қадимийлиги ва
яхши сақлашанлиги билан ноёб туристик объектлардан ҳисобланади.
Уларнинг ёши ва хиллари ҳар хил, шу боис сайёҳларга қизиқарли
бўлиши учун махсус реклама ёки эълон тахтчаси сингари
кўргазмаларни ташкил қилиш ва маршрутларга киритиш мақсадга
мувофиқдир.

Чақилкалон тоғида ғор туризмни ташкил этиш имконияти юқори. Чунки, вилоятдаги Пиёзли гор, Ҳазрати Довуд ғори (Зиёвуддин тоғида), Лев горн (Қоратепа тоғида), Келси шахта ғори (Қирқтов платосида) ва Амир Темур ғорлари (Самарқанд-Қашқадарё вилоятлари чегарасида) вилоятнинг ғор туризмни ташкил этишга асос яратади. Амир Темур ғорининг баландлиги 8 м., эни 1,5 метр ғорга зинзиё чуқур ёриқдан кирилади. Ғорнинг умумий узунлиги 450 м. дан зиёд. Унинг ўндан ортиқ зали ва бир қанча йўлаклар бор. Ғор ичидаги шифт ва деворларидан осилиб турган анча йирик,

у^унлиги 10-15 см.дан 150 см. гача, йўғонлиги 5-10 см. келадиган сталактитлар мавжуд (Абдужабборов, 1990). Улар сайёҳдар диққатини ўзига жалб қилиши муқаррардир. Келси шахта қолдиғи 1980 йилда топилган бўлиб, ғорнинг чуқурлиги N00 метрдан ошади ва у дунёдаги энг чуқур ғорлар қаторига киради. Бу туристик объект сайёҳларни бир қарашда кизиқтирмаслиги мумкин. Бизнингча, ғорларнинг ўзига хос юройиб кўринишларини ифодаловчи расмлар ва тасвирий кўرғазмалар маршрутнинг қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлайди. Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд ғори ажойиб манзара кашф этиши билан бирга диний қадамжо сифатида Л)Зозланади ва маҳаллий сайёҳларнинг энг гавжум маскани ,\исобланади. Бироқ, ушбу туристик объектдан ҳам ҳозирча фойдаланилмаяпти.

Кейинги йилларда турли мамлакатларда гидрологик объектларга сайёҳат кучаймоқда. Самарқанд вилоятида ҳам бундай имкониятлар мавжуд. Масалан, Ургут шаҳриги ёши минг йиллик Чинор ва унинг тагидан чиқадиган булоқ ҳам ўзига хос гўзал ва такрорланмаслиги билан ажралиб туради. Унинг сув сарфи 50-60 л/сек. бўлиб, бу булоқнинг шифобахшлиги ва манзараси ундаги илоҳийлаштирилган балиқлар сайёҳларни ўзига жалб қилади. Бундан ташқари, минтақада кўплаб булоқ ва сойлар мавжуд. Лев ва Келси юрларидаги карст булоқлари, Қайнарбулоқ, Рохатбулоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари ҳамда Ғуссой, Камангарон ва бошқа шаршаралар туристик маршрутларнинг қизиқарли бўлиши ва сайёҳларнинг мириқиб дам олишига хизмат қилиши мумкин. Шу жиҳатдан Зарафшон дарёси ва унинг қадимий каналлари Туятортар, Дарғом ва Роботхўжа тўғйони кабилар ҳам яхлит ҳудудий туристик мажмуа сифатида ақамиятлидир. Самарқанд вилоятининг туристик карта-схемасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос туристик объектлари, жумладан, тарихий обидалари, рекреация ва экотуристлик масканларининг ҳудудий жойлашуви акс эттирилган. (карта-схема)

Овчилик катта фойда келтирувчи хўжалик тармоғидан бири бўлиб,

кўпчилик мамлакатлар ушбу туризм туридан катта царомад олишмоқда. Масалан, Чехия, Словакия давлатлари йил давомида 1400-1600. Польша 4000 чет эллик сайёҳга ов туризми бўйича хизмат кўрсатмоқда. Венфия давлати халқаро ов туризмидан йилига 50 млн. АҚШ доллари микдорида фойда кўрмоқда (Низамиев, 1998). Ўзбекистонда ҳам ов туризмини

юксалтириш учун кўриқхоналар, миллий боғлар, чўл ва тоғ ҳайвонот олами катта имконият яратади. Ов туризмини! ривожлантириш нафақат катта даромад кўрсатиш билан, балки! табиатни кўриклаш учун ҳам муҳимдир. Бинобарин, ов| туризмини йўлга қўйиш аввало минтақалар геоэкологик! ҳолатини сақлаб қолишни ҳам назарда тутмоғи лозим.

Самарқанд вилоятида туризмнинг бу турини ташкил этиш! учун ҳам имкониятлар мавжуд. Жумладан, Ургут, Нуробод.¹ Самарқанд, Иштихон каби туманларда ов туризмини! ривожлантириш мумкин. Чунки, Жом, Карнобчўл, Миёнқал! ороли, Зарафшон кўриқхон[^]си, Ургут ва Оҳалик тоғларида] қулай масканлар бор. Бу жойларда ўзига хос туристик! инфратузилмани яратиш нафақат маҳаллий, балки чет эллик] сайёҳларни ҳам қизиқтиради. Аммо ушбу туризм турини! ташкил этишда кўплаб экологик омилларга ҳамда барча] тадбирларни плмий асосда амалга оширишга эътибор қаратиш! керак. Шундай қилиб, Самарқанд вилоятини маъмурий] туристик район, яъни миллий туризмнинг алоқида минтақаси сифатида қараш мумкин. Унинг доирасида эса турли пўналиш! ва босқичдаги туристик районлар ажратилади Районларнинг! бундай турли хиллиги энг аввало район қосил қилувчи| омилларнинг характериға боғлиқ.

Маълумки, туристик районларни ажратишда икки| асосий омил мавжуд. Бу ҳам бўлса табиий ландшафт ҳамда ижтимоий-маданий мазмунга молик ҳар хил тарихи? объектлардир. Агар биринчи омил нуқтаи назаридан! ёндбшадиган бўлсак, Самарқанд вилояти ҳудудида икки табиий] туристик районларни ажратиш мумкин: тоғ ва текислик| туристик районлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос! геоморфологик, иклимий, гидрологик хусусиятларга, ҳайвонот! ва ўсимлик оламиға, жозибалигига («аттрактивность») эға. [Бинобарин, тоғ ҳамда текислик минтақаларда туризмнинг! шакллари ҳам турлича. Бироқ, уларнинг барчаси ов туризми! ҳамда экотуризмға хосдир Вилоят ҳудудида тоғли

районлар! унча кўг! эмас. Асосий, нисбатан баланд тоғлар унинг чекка! шимол (Нурота тизмаси, баландлиги 2150 метргача) ва! жанубида (Зарафшон тоғ тизмаси, баландлиги 2600 метргача] жойлашган ҳудудлар метргача) жойлашган бўлиб, улар айна] вақтда вилоятнинг маъмурий чегара чизиғига қам мос келади. Унча баланд бўлмаган Оқтов тизмаси (1350-1750 м) Нурота1 тоғининг жануброғида жойлашган.

Бу тоғ туризмини, жумладан ов, рекреация қамда спорт туризмини ривожлантириш имкониятларига эга. Айниқса тоғларни кўндалангига кесиб ўтадиган сой ёки сойликлар бўйлаб саёҳат ўтказиш қизиқарли бўлиши табиий. Чунки, бундай кичик гидрологик элементлар ҳудуднинг ўзига хос «кесмаси» ёки профили бўлиб, уларда қисқа муддатли саёҳат (пиёда экскурсия) давомида турли хил манзаралар, ландшафтларнинг ўзгариб бориши кузатилади. Текислик қисми ўзлаштирилган воҳа, интенсив деҳқончилиги ҳамда чўл-экстенсив чорвачилик минтақаларидан иборат. Биринчидан айниқса, этнографик ва ов (жумладан дарё ва сув омборларида балиқ ови) туризмини ривожлантириш шароитлари бор. Чўл районларида ҳам ўзига хос туризмни шакллантирса бўлади.

Ижтимоий-маданий ёдгорликлар бўйича районлаштириш эса бутун ҳудудни қоплаб олмайди. Бундай районларни фақат Самарқанд ҳамда тарихий ёдгорликлар, диний мазмундаги объектлар бор туманларда ажратилади. Айнан ана шу турдаги районлар ҳудудий туристик мажмуаларга мос келади. Юқоридаги туристик районлаштиришдан ташқари яна учинчи, интеграл типдаги районларни ҳам белгилаш мумкин. Ушбу тоифадаги районлар қуйи даражадаги маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида ажратилади. Уларнинг энг ижобий томони шундаки, бундай районларда туристик фаолиятни туман ҳокимлиги тасарруфида ташкил этиш, ривожлантириш ва бошқариш имкониятлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан Самарқанд шаҳри ва туманлар туристик районларга ажратилади. Табиийки, мазкур районларнинг туристик имкониятлари ва салоҳиятлари бир хил эмас. Аммо, айнан ана шу ҳудудий хусусиятларни эътиборга олиш минтақанинг туристик сиёсатини амалга ошириш ва юзага келган муаммоларни ечишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3- БОБ. САМАРҚАНД ВИДОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Вилоятда туризмни юксалтиришининг ташкилий асослари

Маълумки, жаҳондаги ривожланган давлатларда туризмнинг юксак тараққий этиши, ўз навбатида ушбу соҳанинг Самарқанд вилоятида катта аҳамиятга эга эканлиги уни батафсил ўрганишни талаб қилади. Албатта, бу борада туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги ҳуқуқий қословлар-қонунлар эътиборга олиниши керак. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг табиий ва маданий ёдгорликларни авайлаб асраш ва келгуси авлодга ўз ҳолича тақдир этиш ҳамда улардан фойдаланишни тўғри ташкил этишга катта эътибор қаратмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бу соҳада ҳам барқарор, турғун ривожланиш тамойилига (концепциясига) амал қилмоқ зарур, яъни мавжуд туристик объектлардан фойдаланишда уларнинг келажак авлод учун айнан шу ҳолатда сақланиб қолинишини назарда тутмоқ керак. Бундай ёндошув ландшафт туризми ва унинг асосий йўналиши бўлиб жотуризм ҳамда ижтимоий-маданий тоифадаги ёдгорликлардан фойдаланишда (диний, илмий ва ҳ.к.) ҳам талаб этилади. Бинобарин, тарихий шаҳарлардаги архитектура-меъморий ёдгорликлардан, археологик топилмалар, яъни узоқ ўтмишдан дарак берувчи шаҳар ва қалъа харобаларидан сайёҳлик соҳасида оқилона фойдаланишнинг ташкилий, ҳуқуқий ҳудудда меъморий асослари яратилиши лозим. Ўзбекистон минтақалари туризмини ривожлантиришда аввало сайёҳлик имкониятларнинг мавжудлиги катта ўрин тутсада, бундан ташқари ташкилий,

ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа омиллар ҳам туризм юксалиши ва иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантириш ва келажакда жаҳон андозалари даражасида сайёҳлик индустриясини йўлга қўйиш учун шимиклий асосларини яратишни талаб этилади. Бу борада мустақиллик йилларида бир қатор амалий ишлар олиб борилди.

#

Бу борада мустақилликнинг дастлабки йилларидан Гюшлаб қонунлар ва ҳуқуқий нормалар яратиш шарт-

шароитлари тугилди. Чунки, собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида амал қилиб келинган меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти йўқолди ва халқаро талаблар доирасида қонунла (яратиш зарурияти вужудга келди. Янгадан ташкил топган сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини бозор муносабатлар шароитида ривожлантириш кўпгина муаммоларни ҳал этишни тақозо этди. Шунинг учун «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва бошқа сайёҳлик корхоналарининг эркин фаол қўрсатишини яхшилаш учун уларга имтиёзлар яратиш жумладан, янгидан ташкил этилган корхоналарни 5 йил давомида солиқлардан озод этиш, шунингдек, давлат томонида имтиёзли кредитлар ажратиш, хуллас моддий ва маънавий! кўмак лозим. Ҳозирги вақтда республика вилоятлари, шаҳар! ва туманларида сайёҳликни ривожлантиришга оид давлат! дастурлари ишлаб чиқилди. Айни вақтда минтақалар сайёҳлик) имкониятларини ўрганиш ҳамда туристик объектларнинг сақланиши ва фойдаланиши бўйича қонуний шарт-шароитлар] яратиш талаб этилди.

Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш ва | уни тўғри ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш, сайёҳдик хизматлари бозорида кичик ва ўрта]

ташкилотларнинг қатнашишини фаоллаштириш ҳамда хорижий инвесторларни туризм соҳасига кенг жалб қилиш мақсадида 1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8] августдаги «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил) этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги 346-рақамли қарори ва вилоят ҳокимининг 1998 йил 6 октябрдаги 189 а-рақамли қарори қабул қилинди. Шу асосда минтақада туризмни, жумладан, туризм билан шуғулланадиган корхона ва фирмалар фаолиятини, яъни туризм индустриясини янада жонлантиришга эътибор кучайтирилди. Шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришда 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Туризм тўғрисида» ги қонун алоҳида моҳиятга эга бўлди.

Ушбу қонун республикада йирик туризм индустриясини ва унга хизмат қиладиган инфратузилмани вужудга келтириш учун имкон туғдирди (Аҳмедов, 2002). Минтақавий туризмни ривожлантириш, сайёҳларга жаҳон андозаларига мос келадиган маиший ва маданий шарт-шароитлар яратиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмокда, Жумладан, Самарқанд шаҳрида дам олиш хиёбонлари, ёзги амфитеатр, овқатланиш ва дам олиш жойлари, 4 юлдузли жаҳон андозаларига мос

келадиган «Президент- Палас» меҳмонхонасининг курилиши сайёҳларни жойлаштириш ва хизмат кўрсатишни янада оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда вилоятда 45 дан зиёд турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, замонавий қулайликларга эга меҳмонхоналар, масалан, 500 ўринли 4 юлдузли¹ «Афросиёб», 366 ўринли 3 юлдузли «Самарқанд», 100 ўринли 3 юлдузли «Зарафшон», 535 ўринли 2 юлдузли «Турист-Эльбек», 100 ўринли 2 юлдузли «Сайёр», 3 юлдузли «Самарқанд централ» ва 100 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Вилоятда сайёҳларни жойлаштирадиган жойлар, 2001 йил ҳолатига кўра, 16 тани (жами 2500 ётоқ ўринлар) гашкил этиб, шундан 13 таси (1544 ётоқ ўринлар) хусусий секторга тегишлидир Бу эса минтақада сайёҳлик бозорининг шаклланаётганлигидан дарак беради.

Статистик маълумотлар бўйича, Самарқанд вилоятида сайёҳлар сони 1995 йил 41,6 минг киши, шундан 26,2 минг маҳаллий, 15,4 минг хорижий сайёҳлар ташкил қилган. 2001 йилга келиб эса бу кўрсаткич 119,8 минг кишига, шундан 58 минг чет эллик, 61.8 минг маҳаллий сайёҳлардан иборат бўлган (11 жадвал). Демак, минтақада сайёҳ/так мунтазам ўсиб бормоқда. Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, чет эллик сайёҳларни кенг жалб этишга бевосита халқаро вазиятнинг барқарорлиги ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, 2000 йилга нисбатан 2001 йилда Самарқанд вилоятига ташриф буюраётган халқаро сайёҳлар сони бирмунча камайган. Бу ерда Марказий Осиё ва унинг атрофидаги сиёсий вазиятнинг ёмонлашганлиги, жумладан Афғонистон ва бошқа давлатлардаги сиёсий аҳволнинг таъсири эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, айтиш керакки, чет эллик сайёҳлар ишончини оқлаш, ҳавфсизлигини кафолатлаш, сиёсий вазиятни тўғри талқин этиш бевосита халқаро сайёҳликнинг ўсиши ва

ривожланишида муҳим ўринга эга. Бинобарин, минтақа гуризми истиқболини белгилаш, келажакда сайёҳликни юксалтириш ва сайёҳлар оқимини ошириш турли хил шарт-шароит, ички ва ташқи вазиятга боғлиқ. Вилоятга 2000 йилда турли хорижий давлатлардан, жумладан, Голландиядан 8,7 минг, Япониядан 1,8 минг, Франция ва АҚШ дан 1,5

¹ Меҳмонхоналарни баҳолаш мезонп 2 асосий гуруҳга бўлинади 1) француз миллий туркумн сифатида «шлдузли» тизмм 2) эксперт комиссияси томондан баҳоланадиган балл еки ҳинд тизимн (Комилоаа, 2001)

мингтадан сайёҳлар ташриф буюришган ҳамда саиехл* хизматидан фойдаланган. Ушбу рақамлар Самарқандга Еврогц Шарқий Осиё ва океан-орти давлатлари сайёҳлар қизиқишининг нисбатан юқорилигидан далолат беради. 1Ш ўринда сайёҳлар экспорт қиладиган етакчи давлатла! қизиқишини ўрганиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпроқ жа. қилиш йўллари аниклаш муҳим аҳамиятга эгадир. Масалағ жаҳон бўйича энг кўп саёҳат қиладиганлар

11-жадБ

Самарқанд вилоятида сайёҳликнинг ўсиш динамикаси (минг киши хисобида)

	Кў	Й и л л а р					
	Ж						
	Х						
	Ш						
	М						

Германияда 75 млн., АҚШ 52 млн. ва Буюк Британияда 45 млн.киши бўлиб, ушбу давлатлар сайёҳларининг қизиқишини Ўзбекистонга, шунингдек, Самарқандга қаратиш лозимдир. Бунинг учун, бизнингча, вилоят туристик имкониятларини намоён қилиш, рекламага катта эътибор қаратиш муҳимдир.

Самарқандда кейинги йилларда кўпгина маданий, илмий анжуманлар, жумладан, «Шарқ тароналари» халқаро кўшиқ фестиваллари каби тадбирларнинг ўтказилиши сайёҳлар оқимининг йил сайин ошиб боришига сабаб бўлмокда. Хусусан, 1994 йил Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейларининг халқаро миқёсда ўтказилиши ҳам минтақани жаҳонга яна бир бор танитди. Бу, ўз навбатовда, Самарқандда санёҳликнинг янада кўплаб қирраларини очилишига туртки бўлди. Бажарилган таҳлиллар вилоятга хорижий сайёҳларнинг оқими кўпайиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Айни вақтда улардан келадиган даромад ҳам ошмокда. Ҳозирги

пайтда туризмнинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2,5 фоизни ташкил этади. Албатта бу минтақа учун жуда паст кўрсаткич, ваҳоланки, туризм яхши ривожланган Испания, Италия, Непал,

Миссияси, АҚШ, Япония, Туркия, Греция сингари давлатларда 1У|чпмга бир АҚШ доллари сарфланса, ундан 20 АҚШ доллар фпнда тушади. Бундай мамлакатларда туризм ҳисобига миллий 1,||н)маднинг 20-40 фоиз тўғри келади (Бакиров ва бошқдлар,

Самарқанд вилоятида маҳаллий ва халқаро туризм мипгақа иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиши мумкин. Бунинг учун минтақа туризм инфратузилмасини имклантириш, хизмат турларни кенгайтириш, малакали чуихассислар тайёрлаш ва бошқа амалий ишларни бажариш ,к осий ташкилий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Жлдвалдан шуни кўриш мумкинки, вилоятга келган сайёҳдар иқими 80-йилларда 160 минг кишини ташкил этган. Айтиш ■коизки, бу даврда сайёҳлик ривожланган. Мустақилликнинг мсглабки йилларида ҳамдўстлик давлатлари билан ,ц|()К,аларнинг бирмунча узилиши ўз навбатида сайёҳдик ч>\асининг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини мьмадлаш лозим. Эндиликда эса МДХ ва бошқа хорижий мвлатлар билан алоқаларнинг яхшиланиши оқибатида сайёҳлар ОК.ИМИ янада юксалмоқда. Вилоятга келадиган сайёҳдарнинг юнини ошириш ва жаҳон андозалари талабида хизмат курсатишни ташкил этиш минтақа туризмининг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бунинг учун сайёҳдик билан шуғулланувчи туристик фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар фаоллигини ошириш, сайёҳлар талабини ўрганиш кабилар муқимдир.

Туризм тараққиёти, яъни сайёҳдар оқимининг кенгайиши нқтисодиёт тармоқлари - қурилиш, транспорт, савдо ва Пошқаларни ривожланишига сабаб бўлади. Бинобарин, туризм индустриясини ташкил қилиш бир вақтда ҳар хил хизматлар соҳасини ривожлантиришни ҳам талаб килади. Масалан, меҳмонхона хўжалиги, ресторанлар ва озиқ-овқат корхоналари, совгабоп буюмлар ишлаб чиқариш, коммунал \амда маиший корхоналар сайёҳлар учун хизмат кўрсатишнинг мажмуали соҳасидир. Шундай қилиб, туризм аслида бўш вақтдан самарали

фойдаланиш ва ҳордиқ чиқаришдан иборат бўлиб, сайёҳдарга хизмат қилиш билан Сюғлиқ тармоқдарни ҳау қамраб туради. Шу нуқтаи назардан унинг мураккаб тармоқларини мажмуа шаклида ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, вилоятда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш барча соҳаларнинг иқтисодий ўсишига,

аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлаш муаммосини ҳд этиш ҳамда туристик объектларни қайтадан қуриш, таъмирла ва кенгайтиришга имкон яратади. Самарқанд вилоятк сайёҳликни ривожлантиришдаги ташкилий чора-тадбирлард бири сайёҳлик билан шуғулланадиган кадрлар тайёрлашдир. борада вилоятда бир қанча амалий ишлар олиб борилмок Чунончи, юқори савияли гад-таржимон ва экскурсоводла тайёрлайдиган Самарқанд чет тиллар институти, униН қошидаги ўқув методик марказ, Сартепо массивидаги туризм маиший хизмат коллежи ҳозирги кунда кадрлар тайрлаЦ бўйича ибратли ишларни ам<шга оширмокда.

Маълумки, туризмни ташкил этиш ва юксалтириИ минтақада мавжуд сайёҳлик маршрутларини ўрганиш янгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай тадқиқотла мукамал ва илмий тавсияларга асосланган маршрутларда самарали фойдаланиш имконини яратади. Акс ҳолда ҳудуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатилади ва кўпла муаммолар вужудга келади. Шунинг учун Самарқанд вилоятид сайёҳлик маршрутларини илмий асосда ташкил қилиИ келажакда катта аҳамиятга эгадир. Юқоридагалардан кели^ чиқиб, минтақада туризм соҳасини ҳудудий ташкил қилишд текисик, тоғ ва тоғолди, диний, этнографик-маданий ҳамд экотуристтик сайёҳлик имкониятларини ҳисобга олми лозимдир.

Самарқанд шаҳридан бошланадиган энг катта туристиК маршрутлардан бири Самарқанд-Ургут йўналишидир. Б)| маршрут турли мақсадларда амалга оширилиши билаЦ характерлидир. Чунки, йўналишнинг табиий, тарихий, динийЙ| маданий ва тоғ экотуристтик имкониятлари юқоридир. Ург вилоятдаги қадимий ва тарихий шаҳардир. Унинг тарихий обидалари, диний зиёратгохлари, минг йиллик чинорлари^ шифобахш булоқлари Самарқандга ташриф буюрган сайёҳлар эътиборини тортади. Бундан ташқари, сайёҳлар Ургутда хал* амалий санъати, миллий ҳунармандчилик буюмлари,) шунингдек,

кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, чопон тикиш,| ёғоч ўймакорлиги, каштачилик ва бошқа маҳсулотлари билаи ҳам бевосита танишадилар. Республикада ўзига хос қишлоқ,! хўжалиги ихтисослашувига эга бўлган тамакичилик ва унИ} қайта ишлаш жараёни маҳаллий сайёҳликда аҳамиятлидир.

Ургут шаҳридан бошланадиган тоғ маршрутлари ҳам! кўпчиликини қизиқтиради. Тоғнинг юқори қисмига рекреация!

м. | саяёхлик мақсадида кутарилиш учун аниқ маршрутларни мнлаб олиш лозим бўлади. Бу борада маршрут пуиалишларининг бир қанчасини тавсия этиш мумкин:

1. Ургут -Камангарон тоғ массиви;
2. Ургут-Ғуссой тоғ тепаси;
3. Ургут-Ургутсой;
4. Ургут-Зинак қишлоғи;
5. Ургут-Мўминобод тоғ массиви;
6. Ургут-Ҳамзаобод тоғ йўналишлари ва бошқалардир.

Иккинчи маршрут Самарқанд-Омонқўтон-Мингчинор-

Шлҳрисабз йўналишидир. Бу икки ёки уч кунлик маршрут энг кншқарли ва таассуротларга бой бўлиб, табиий ва тарихий | иорликларни кўриш, жумладан, Дарғом канали, Шредер боғи, Коратепа сув омбори, Диназавр тошлари, Омонқўтон \рчони, Омонқўтон қишлоғи, Лев ғори, тошдаги расмлар, Пулсойдаги Амир Темир қурдирган арава йўл, Тахти Қорача I .фойи харобаси ва давони, Мингчинор қишлоғи, Китоб ва Шлҳрисабз каби туристик объектларни ўз ичига олади. <'.Имарқанд-Омонқўтон йўналишидаги маршрут қисқа муддатли \лмда мавсумий сайёхликнинг асосий масканлардан инообланади.

Омонқўтон дам олиш маскани кўплаб сойликлардан иПорат бўлиб, бу ерда қуйидаги сайёхлик маршрутларини мшkil этиш мумкин.

- 1 .Омонқўтон-Жийдалисой-Вахшарзор-Тахти Қорача миони;
- 2.Омонқўтон-Тераксой қирларигача (сурма қазиб <> идиган ғор);
- 3.Омонқўтон-Йўлсой-Эски давон;
- 4.Омонқўтон-Консой-Янги давон-Мингчинор-Китоб;
- 5.Омонқўтон-Консой-Алвасти кўли;
6. Омонқўтон-Булбулзорсой ва ҳ.к.

Самарқанд сайёҳлик йўналишининг яна бири Самарқанд-< Калик - Миронкул маршрутидир. Бу йўналиш тоғ ва тоғ олди \удуд экслуризми ва мавсумий ҳамда қисқа муддатли дам олиш имкониятларини беради. Бундан ташқари, Самарқанд-Нуробод-I им, Самарқанд-Каттакўргон (Каттакўргон шаҳри ва сув

|>мб_ориХ, Самарқанд-Миёнқол ороли (*Окирё* ва Иштихон |>манлари) ва бошқа туристик маршрутларда ҳам ' .шсхликни амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

3-чизма Самарқанд вилояти туристик маршрутлар карта схемаси		айариқ 9Пастдарғом ЮПахтачи 1! Самарқанд 12Тайлоқ ВУргут 14 Қўшработ
--	---	--

	рутлар	Зара	си
	1	фшо	3Самарқанд-
	► Самаркрнд-	н	Нуробод-Тим-
	Ургут-Омоикўтон-	кўри	Самар ^1нд
Тури	Самаркрнд	қҳон	= = ^^^ Днннн
стик	2	аси-	маршрутлар
марш	Самарканд-	Сува	
рутла	Оқалик-Самарқанд	йирг	1Самарқанд-
р Тоғ	3	ич	Махдуми Аъзам Дахбедий-
ва	Самаркрнд-	2С	Имом Ал-
тоғол	Қўшработ-	амарқа	2Бухорий-Самарк^нд
дм	Самарк^нд	нд-	Самарқанд-Ғовсул Аъзам-
экоту	Δ	Каттак	Ургут-
ристи	Текислнк ва	ўрғон-	3Самарканд
к	чўл	Добусс	Самарк^нд-Хўжа Ахрори
марш	маршрутлари I	ия	Вали-Самарқанд
	Самарқанд-	хароба	

К **В**
апяку **Ғ *^**
рҒон с

Мас	1
штаб 1	3 Ч
125 000	

\ мр айниқса республика миқёидаги, яъни маҳаллий туризм учун аҳамиятлидир. Мазкур йўналишдаги саёҳат маршрутларда туризмнинг турли хилларидан (автотранспорт, пиёда, отда, иг юсипед ва ҳ.к) фойдаланиш мумкин. Тоғли минтақа маршрутлари эса кишининг жисмонан бақувват бўлишини мую этади. Бу эса кекса ва ўрта ёшдаги сайёҳларни тоғ маршрутларидан барҳаманд этиш учун қулайликлар яратишни қўллаб қилади. Шу мақсадда махсус йўлаклар ва осма кўтаргич ^чсктр йўллари барпо этиш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бундай тадбирларни амалга ошириш минтақа тоғ туризмнинг К1-мажакда юксалишига ва сайёҳлик оқимининг ўсишига ёрдам (к-ради.

3.2. Минтақа туризмини ривожлантиришнинг асосий муаммолари

Бутунжаҳон туристик ташкилоти башорати бўйича, 2020 илга бориб планетамизда саёҳатчилар сони 1,6 млрд кишига қўлади. Ўзбекистонда халқаро туризм тахминларга кўра, к.шехлар сони 2005 йил 350 минг, 2010 йилда 1,5 млн, 2025 йилга келиб 15 млн кишидан ошиши кузатилади. Шу ўринда <>иргина Самарқанд вилоятини кўришни истовчи сайёҳлар миқдори 10 млн. дан ортиқ кишини ташкил этади. Демак, республикада Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шахрисабз м.1 Фарғона водийси шаҳарларини ҳам зиёрат этувчилар қисмининг келажакда янада ошишини эътиборга олган ҳолда муюқни давлат миқёида ривожлантириш лозим бўлади.

Ўзбекистонда туризм соҳасида ўз ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни босқичма-босқич ҳал қилиш келажакда ушбу тармоқни макроиқтисодиётнинг асосий қисмига айлантиришга хизмат қилади. Чунончи, Самарқанд туризмнинг юксалтиришда сайёҳлар айрибошлашни яхши нўлга қўйиш энг катта муаммолардан ҳисобланади. Шу ўринда маҳаллий ва халқаро сайёҳларни минтақалар бўйича ҳудудий I аксимланишида сайёҳлик қорхоналари ва ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб бориши аҳамиятлидир. Чунки, маҳаллий сайёҳликни

ривожла^атиришда вилоятлараро сайёхлар ллмашувн, яъни сайёхлар сотувини тўғри ташкил этиш лозим. Масалан, Фарғона минтақаси сайёхларини Самарқанд, Бухоро, Гошкент, Хоразм, Термиз, Қашқадарёга жўнатиш ва, аксинча, улардан бошқа минтақаларга юбориш керак.

Вилоятга келадиган сайёхларнинг сонини ошириш жаҳон андозалари талабида хизмат кўрсатишни ташкил минтақа туризмнинг энг муҳим вазифаларидан бири Бунинг учун сайёхлик билан шуғулланиувчи ўрта ва кичик туристик фирма ва корхоналар фаоллигини ошириш, сайёх эҳтиёжини ўрганиш каби муаммоларни ҳал қилиш таътилади. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳридаги туристик фирмаларининг фаолияти, уларнинг сайёхларни жалб этиши оладиган фойдаси турлича. Бу ўз навбатида сайёх бозорининг шаклланиётганлигидан далолат беради. Жа натижаси шундан дарак берадики, хизмат кўрсатиш бўйи Афросиёб ва Самарқанд, меҳмонхоналари, Интуртрансав корхонаси, шахсий фирмалар ичида эса Турон тур ҳа; Ориент тур корхоналари юқори кўрсаткичга эришган. А ў чоғда Маузо, Лежен ду ва Согда тур шахсий фирмалар фақатгина хорижий сайёхларга ўз хизматларини таклиф этишган. Таъкидлаш жоизки, ташкил этилаётган аксари туристик фирмалар чет эллик сайёхларни кенфок жа этишни исташади. Бу, албатта, ижобий ҳолат, бироқ шу билан бирга маҳаллий сайёхликни уюштириш бўйича ҳа маршрутларни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Минта туризмни ривожлантириш айна пайтда кўпгина муаммоларни ҳал этишни тақозо этади. Бу борада кичик ва ўрта сайёхлик корхоналари ва хусусий тадбиркорлар олдида турган энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат:

> сайёхлик фирмаларига дастлабки имтиёзли сармояларни мақсадли ажратиш ва моддий техник базасиш мустаҳкамлашга ёрдам бериш;

> туризм соҳаси бўйича тадқиқот олиб борадиган олий ўқув юртли билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

> турли йўналишда фаолият юритадиган малакали кадрлар масаласи ва мавжуд мутахассислар малакасини хорижий давлатларда ошириш;

^ хорижий давлатларда фаолият кўрсатадиган кичик сайёхлик фирмалар иш фаолиятини ўрганиш;

> кичик ва ўрта сайёхлик корхоналари мавжуд сайёхлик имкониятларидан тўлалигича фойдаланишни йўлга қўйиш учун маркетинг хизматига эътиборни қаратиш ва
ҳ.к.

Гадқиқотлар шуни кўрсатадики, Самарқанд шаҳри [||||]"фидаги мавжуд туристик масканлар географик ўрнига кўра '1.1П жойлашган бўлиб, бу ерда қисқа муддатли сайёҳдикни !»ЙН1КНЛ этишда меҳнат ресурслари, транспорт ва йўл , |у|мпшшига ўхшаш муаммолар туғилмайди. Фақатгина |у|мк1ик инфратузилмани ташкил этиш лозим бўлади холос. |»\ид.||1 ташқари, шаҳарга яқин бўлган Оҳалик ва Ургут лкчмрида ҳам бир қанча дам олиш экотуристтик оъектлари миилуд бўлиб, улардан шаҳарликлар дам олишида фимд.шанишлари эҳтимолдан холи эмас. Бу юзага келган чупммоларни ҳал қилиш учун шаҳарда фаолият кўрсатаётган |у|шсгик корхона ва фирмалар қизиқишини ошириш, шаҳар ^окимлиги томонидан уларга имкониятлар яратиш мақсадга мушфикдир. Шу ўринда, вилоятнинг қишлоқ жойларида инмйдиган аҳолининг ҳам қисқа муддатли дам олишини 1И1ИКИЛ этиш учун туристик сўровномалар ўтказиш, уларни м>\иши ва истакларини ўрганиш муҳимдир. Самарқанд шгюятида туризмни ривожлантириш, бизнингча, қуйидагиларга имкон беради:

■ шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгохларидаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлайди ва янги иш ўринлари вужудга келтиради;

■ аҳоли саломатлигини яхшилайти, соғломлаштирати, руҳан тетиклаштирати ва меҳнат унумдорлигини оширати;

■ дам олиш ҳудудлари, хусусан, тоғ ва тоғолди минтақаси экотуристтик имкониятларидан самарали фойдалаиш катта иқтисодий фойда келтиради ва шу жойнинг экологик ҳолатини яхшилайти;

■ минтақа туризмини юксалтиради ҳамда туманларда туристик инфратузилмани шакллантирати ва ҳ.к

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, сайёҳдикни тўғри 1ашкил этиш, рекреация ва дам олиш масканларидан оқилона фойдаланиш меҳнат

ресурсларини туризмга кенг жалб этиш имконини яратади. Маълумки, ҳар бир соҳанинг олдида турган муаммоларни ҳал этиш ва уни ўрганишда авваломбор сўров-анкета усулида социологик тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотда гуруҳи касб эгалари, еши, миллати, этник таркиби ҳар хил бўлган респондентлар (жами 300 киши) қатнашди. Бу борада айниса шу соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари

масалани кенгроқ ёритишга ёрдам берди. Ўтказилган сўр турли касб эгаларининг қатнашиши ва уларнинг хусусиятига кўра турлича бўлиши ,тадқиқотнинг як қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлади. Хусусан, ёшдан шқори аксарият респондентлар оилавий саёҳатни кўришини, ундан пастки ёшдаги сайёҳларнинг эса дўстл! билан саёҳатга чиқишни мақул кўриши маълум бўлди. жиҳатдан вилоятда сайёҳлик маршрутларини ва хиз кўрсатишни ташкил этишда туристик корхона ва фирма юқоридаги фикрларни эътиборга олиши катта аҳамиятга эга.!

Минтақага ташриф буюрган сайёҳлар марокли дам оли томоша қилиш билан биргайида антиқа, улар учун янги бўл|1 ҳар хил таомларни истеъмол қилишга қизиқишади. Жанубц Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё давлатлари денг маҳсулотларидан тайёрланган овқатлари билан, Еврс давлатлари турли хил пицца, гамбургер ва бошқа таомла билан сайёҳларни қизиқтириб келаётган бир пайтда Самарх таомлари ҳам сайёҳларни бефарқ қолдирмайди. Бунга асс Самарқанд нони, Самарқандча палов, нўхатшўрак, Каттакўрғ патири ва холваси, Ургут тандир кабоби каби юзлаб милли таомлар мисол бўла олади. Самарқанд вилоятида туристи экскурсия хизматлари кўрсатишнинг нуфузли йўналишларин аниқлаш, моддий базасини кенгайтириш ва ривожлантири^ ҳамда уларни халқаро андозалар даражасига етказиш бугунг куннинг энг асосий талабларидан биридир. Туризм ривожлантириш ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш мавқе* ошириш вилоятда сайёҳликнинг самарадорлигини юксалтирии сайёҳларга хизмат кўрсатувчи турли мулкчилик шаклидаг корхоналар фаолиятини яхшилашни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд вилоятида халқар туризмни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар ҳамл маркетинг тадқиқотлари анча паст даражада ташкил этилган! Туризм билан шуғулланувчи корхоналар ва фирмаларнинг сайёҳларга хизмат

кўрсатиши жаҳон андозалари талаблари даражасига жавоб бермайди. Бу соҳада малакали кадрлар етишмаслиги сайёҳларнинг кўнгилдагидек дам олиш ва томоша қилишни чеклайди. Шу боис, бу борада фаолият кўрсатаётган¹ ходимлар малакасини ошириш, жаҳон талаблари даражасига! жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш долзарб! масаладир. Чунки, вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар учун|

|уристтик объектларни тўлиқ ёритиб берувчи таржимон-гидлар, м;шакали ва маданиятли ходимлар зарур.

Маълумки, сайёҳликни ривожлантириш учун аввало упарни талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда лойлаштириш энг муҳим масалалардан биридир. Бу ўринда |уристларни жойлаштириш воситалари ва турларидан, жумладан, меҳмонхоналар, пансионатлар, санаторийлар, |уристтик базалар, кемпинглар, дам олиш уйлари, отел, бунгало, рател ва флател кабиларни ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш асосий муаммолардан ҳисобланади. Вилоятдаги меҳмонхоналар асосан хорижий ва маҳаллий сайёҳларни лойлаштириш билан бирга кўпгина хизмат турларини ҳам кўрсатиб келмокда. Маълумотлар бўйича, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб, Самарқанд, Зарафшон, Регистон каби |урли қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналар фаолияти, шунингдек, хусусий меҳмонхоналар ишини юқори баҳолаш мумкин. Аммо, айна чоғда, сайёҳдарни жойлаштириш бўйича ^ишлоқ туманлари марказларидаги меҳмонхоналар фаолияти яхши эмас. Бу борада туризмга эътиборнинг камлига туфайли сайёҳдарни жалб қилиш ва хизмат кўрсатиш йўқ даражададир. Бизнинг назаримизда, фақатгина Самарқанд шаҳрида эмас, балки унинг туманларида сайёҳдикнинг ўзига хос турларини ривожлантириш орқали кўплаб муаммоларни хал қилиш мумкин.

Кемпинглар асосан ёзда дам оладиган сайёҳларга хизмат М-шади. Автотуристлар енгил типли уйларга ёки палаткаларга жойлашади. Демак, вилоятда мавсумий сайёҳлик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тоғ ва тоғолдй, сув омборлари, дарё соҳиллари (Ургут, Охалик, Ғўбдин тоғларида, Каттакўрғон ва Қоратепа сув омборлари, Зарафшон дарёси) кемпинглар имконияти юқоридир. **Мотель-** автотуристларга хизмат қилиш комплексини таклиф этади. Самарқанд вилояти географик ўрнининг қулайлиги ва ундан республика ҳамда халқаро аҳамиятга молик транспорт йўлларнинг кесиб ўтганлиги минтақага келадиган ва ўткинчи сайёҳдарга хизмат кўрсатишдан катта иқтисодий фойда олишга

имкон беради. Сайёҳдарнинг Самарқанд шаҳри ва унинг туманларидаги туристик объектларга ташриф буюриш пайтларида асосан автотурист сифатида мотеллардан кенг фойдаланади. **Бунгало** -бу айвон билан ўралган бир қаватли турар жой, енгил метал ёки бошқа материаллардан қурилган уйдир. У иклими иссиқ

мамлакатларда кенг қўлланилади. Бизнинг шароитимизда кунларида табиатнинг гўзал жойлари ва бошқа объектларг қисқа ва узоқ муддатли дам олувчи саёҳларга мўлжалла ташкил этиш имкониятлари мавжуд. **Ратель-** бу кўчм| меҳмонхона бўлиб, у барча қулайликларга эга вагон уйдир Бундай вагонларни мавсумий ва қисқа муддатли сайёҳатг чиқувчиларга таклиф қилиш мумкин. Кўчма уйларни Оҳалик Омонқўтон, Зарафшон дарёси соҳиллари, Карнобчўл чўлига в| бошқа табиати гўзал масканларга баҳор ойларида жойлаштирт мақсадга мувофиқдир.

Вилоят аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалиг ва саноат ишлаб чиқаришида банд, аммо меҳна^ ресурсларининг иш ўринларига нисбатан тез ўсиб бориши аҳоли бандлиги ва бошқа ижтимоий муаммоларни вужудг келтирмокда. Шундан келиб чиққан ҳолда вилоят аҳолининг бир қисмини туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларг жалб қилиш лозим. Бунинг учун минтақада туриз^ инфратузилма ва индустриясини юксалтириш, хизмат турларнк кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини ечиш талаб этилади. Шу ўринда маҳаллий ва халқаро автомобил йўлларм кесиб ўтган (Каттақўрғон, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Ургут) туманларда туристик хизмат кўрсатиш кенгайтириш хар| томонлама аҳамиятлидир.

Минтақа туризми олидида турган энг муҳим муаммолардан! яна бири қисқа муддатли сайёҳликни ташкил этиш| масаласидир. Кишилар жисмоний ва акдий меҳнат қилишич натижасида толиқади ва дам олишга эҳтиёж сезади (Усмонова.1 2001). Бинобарин, аҳолининг меҳнат қобилиятини ошириш,; руҳан тетиклаштириш аввало туристик саёҳатлар ва айни пайтда сайёҳлик хизматининг қай даражада ташкил этиш билан боғлиқдир. Саёҳатлар узоқ (меҳнат таътили) ва қисқа' (ҳафтанинг дам олиш кунлари ва ишдан бўш вақтлари) муддатли бўлади. Демак, узоқ муддатли саёҳатлар пайтида инсон ўз саломатлигини тиклаши, ҳордик чиқариши, гўзал ва такрорланмас жойларни томоша қилиши, бевосита аниқ

маршрутлар ва йўлланмалар асосида ташкил этилади. Қисқа муддатли саёҳатлар эса дам олиш кунлари ёки маълум иш юзасидан бирор жойда, ўлкада, мамлакатда бўлиши пайтид билвосита саёҳатнинг ушбу турида иштирок этишидир. Б хусусда ҳозирги пайтда Франция, Испания, Германия Швейцария каби туризм соҳаси ва ундан келадиган дарома,

бўйича етакчи мамлакатларда туризмнинг барча турлари, шу лумладан қисқа муддатли сайёҳликни ташкил этиш яхши иўлга кўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

Ўзбекистон туризм истиқболини белгилашда шаҳар ва к.ишлок аҳолисининг қисқа муддатли саёҳатларини ташкил *лнш* катта аҳамиятга эга. Бу турдаги тармоқни ривожлантириш учун ўлкамизда катта имкониятлар мавжуд. Шу ўринда мавсумий сайёҳдикни ривожлантириш, яъни қиш фаслида тоғ ва тоғ ёнбағирларида чанги учиш, кўтарма йўллар орқали сайр қилиш, баҳор ойларида табиатнинг уйғониши ва (ўзаллигини ўз кўзи билан кўришни ҳар бир инсон орзу қилади. Бундай хизмат турлари қисман (Чимган дам олиш мажмуаси, Чортоқ, Чотқол ва бошқалар) республиканинг баъзи минтақаларида ташкил этилган, холос. Ваҳоланки, юқорида гаъкидлаб ўтган туристик объектларни Ўзбекистоннинг юзлаб жойларида ҳам ташкил қилиш имкониятлари мавжуд. Самарқанд вилоятида бир қанча туристик хизматлар ташкил лгилган бўлсада, аммо шаҳар ва қишлоқ, аҳолисининг қисқа муддатли дам олишини йўлга кўйишда бир қанча ишлар амалга оширилиши керак. Вилоят аҳолиси дам олиш кунлари ва ишдан бўш пайтларида шаҳар марказий хиёбони, Зарафшон дарёси соҳилларида ва бошқа жойларга дам олишга чиқишади. Бу хусусда шаҳар аҳолисининг қисқа муддатли дам олишини ташкил этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини гаъкидлаш жоиз. Жумладан, Чўпонота тепалиги (қиш кунлари оммавий тоғ чанғи, ҳар хил спорт ўйинлари ва бошқалар), Зарафшон дарёси (чўмилиш, балиқ овлаш ва ҳ.к.), Зарафшон кўриқхонаси (табиат кўйнида дам олиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш) каби дам олиш, ҳордиқ чиқариш масканларида туристик хизматларни ташкил этиш келажакда катта самара бериши мумкин. Бунинг учун авваломбор шаҳар атрофидаги туристик объектларни чуқур илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозим.

